

«НЕКСИЯ»НИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

«айрим жойларда бу автомобилларнинг нархи сунъий равишда ошириб юборилмоқдаки, бу ҳолат аҳолининг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлмақда»

2 бет

СОХТА ДИПЛОМ

Тўғриси, Ўз ишини яхшигина юритиб келаётган бу аёнинг ўн йилдан кўпроқ вақт мобайнида катта даргоҳда қабакли диплом билан ишлаб юргани ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди.

3 бет

ТАНДИР КАБОБ ОСТИДАГИ «ХАЗИНА»

«коробанинг тагига озроқ нос сепиб, героинни жойлаштиришди. Кейин тандир гўшт билан қолган нарсаларни ҳам тахлаб чиқишди. Бир сўз билан айтганда, «маскировка» қилишди»

10 бет

ЗИРАПЧА

«Болағизни тирик кўришни истасангиз, йигирма минг доллар тайёрлаб кўйинглар. Органга хабар бермасангиз, рингизни маслаҳат бераман. Анс ҳолда, пулни топишга ўн кун муҳлат. Ўзқизинчи кўни кечқурун телефон қилиб натижасини биламан»

12 бет

Mustaqillik huquq demakdir
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
А.О.Шарафутдиновни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 3-aprel, № 14 (587)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.О.Шарафутдиновни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида

Алишер Озатович Шарафутдинов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 28 март 2008 йил

И.КАРИМОВ



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари лавозимига тайинланган Алишер Озатович Шарафутдинов 1958 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд тоган. Маълумоти олий, 1980 йилда Тошкент Давлат университети-нинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Дастлабки иш фаолиятини Собир Раҳимов туман ИИБ тергов бўлимида терговчиликдан бошлаган. Кейинчалик Тошкент шаҳар ИИБ тергов бўлимида терговчиси, тергов бўлими масъул бошлиғи, ИИБ тергов бошқармаси, тергов қисми, ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси,

бўлима бошлиғи, ИИБ тергов бошқармаси услубий-назорат бўлими бошлиғининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ИИБ Тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Наманган вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, ИИБ Тергов бошқармаси бошлиғи, Тергов Бош бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатган.

2005-2006 йиллар Ички ишлар вазирининг ўринбосари — Шахсий тарихи билан ишлаш хизмати бошлиғи, 2006 йилдан Ички ишлар вазирининг ўринбосари — Тергов Бош бошқармаси бошлиғи бўлган.

БОШ ПРОКУРАТУРАДА

Тадбиркорлар қонун ҳимоясида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида республика Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Давлат Солиқ ва Статистика қўмиталари вакиллари, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, текширишлари янада қисқартириш, улар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор ва фармонлари ижроси аҳволи муҳокама этилди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг норматив-ҳуқуқий асослари

яратилганлиги, хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар кўрилаётганлиги эътироф этилди. Шу билан бирга, жойларда айрим маҳаллий ҳокимият, бошқарув ва назорат идоралари томонидан тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсқинлик қилиш, уларнинг мулкий ҳуқуқларини поймол этиш ҳолатлари содир этилаётгани танқид остига олинди.

Хусусан, Давлат Солиқ, Статистика қўмиталари, Савдо-саноат палатаси ва уларнинг қўйи тизимларида ҳамда маҳаллий ҳокимликларда бу боралаги қонунчилик ижроси прокуратура органлари томонидан текширилганда, бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилган.

Мазкур текшириш якунлари йи-

ғилиш иштирокчилари эътиборига етказилиб, тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувлар ва тадбиркорликнинг эркин ривожланиши йўлидаги сунъий тўсиқларга қатъий барҳам бериш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда юқорида қайд этилган идоралар вакиллари ва тадбиркорларнинг эркин мулоқотда бўлишига имконият яратилиб, муҳокама этилган масала юзасидан ўзаро фикр алмашишди ва тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

Йиғилиш якунига кўра, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тоҳир АЗАМАТОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори



9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд тоған кун

Яқинда Соҳибқирон Амир Темурнинг таваллуд санаси нишонланди. Шу муносабат билан анча пайтлардан бери ёзишни ниёт қилиб юрганам Амир Темур сиймоси хусусидаги мақолани қозғога тушира бошладим, аммо мақоланинг сарлавҳасини ёзганимдан сўнг анча пайт ўйланиб қолдим. «Ўш, ўзим оддий бир таржимон бўлсам, буюк бобомиз тўғрисида мақола ёзишга маънавий ҳаққим борми?»

Амир Темур сиймоси

Бу савол мени бироз ўйлантириб қўйди ва анча мулоҳазалардан кейин барибир қозғо қоралашга аҳд қилдим. Бунда менга анча йиллардан бери Амир Темур тарихига қизиқиб юрганам, Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур», яъни «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» деган араб тилидан Убайдулла Уватов таржима қилган икки жилдлик китобини, немис олими Тилман Нагелнинг немис тилидаги «Соҳибқирон Темур ва Ўрта асрлар сўнггида ислом дунёси» номли китобини, олмон жангариси, анча пайтлар Соҳибқирон хузурда, кейин ул зотнинг неваралари хузурда шахсий танқуриқчиси бўлиб хизмат қилган, умрининг сўнггида бошидан кечирганларини хотира китоб шаклида ёзиб қолдирган Йоханнес Шильдбергернинг «Алс Склаве им османишен Райх унд бай ден татарен», деган китобларини ҳижолаб ўқиб чиққанам маънавий ҳуқуқ беради, деб ҳисобладим.

Маълумки, Ренессанс даврида Темурланг номи билан Европага танилган Амир Темур ҳақида ҳозиргача бир-бирига зид турли фикрлар мавжуд. Тарихнинг кўрсатишича, Амир Темур каби буюк шахсларга нисбатан турли давларда турлича фикрлар мавжуд бўлиши табиий ҳолдир. Бир томондан ул зот Мовароуннахрни мўғуллар истибодидан халос этган, 1402 йилда Усмонийлар султони Бозилдин мағлуб этиб, кўпгина Европа давлатларини ҳам турк истилосидан қутқарган, Йирик марказлашган давлат қурган ҳукмдор сифатида кўчаларга кўтариб мақталган бўлса, Кристофер Марло қаламати мансуб «Темурланг» драмасида энг шафқатсиз ҳукмдор сифатида тасвирланган. (Давоми 4-бетда).

2008 йил — Ёшлар йили

Фарзандлар камоли — Давлат иқболи

Халқимизда «бола азиз, одоби ундан ҳам азиз», деган пурмаъно ҳикмат бор. Инсон умрининг мазмуни — яхши оила, солиқ фарзандлар камолини кўриш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат. Халқимиз бола деб ашайди, бола учун жонини беради. Боласи бировдан кам бўлмаса, шунинг ўзини тўқис бахт, деб тушунади. Шу билан бирга боласини мустақил ҳаётга тайёрлаш учун уни меҳнатга, сабр-қаноатга ўргатади. Ана шундай қадриятларимиз натижаси ўлароқ, жамиятимизда оилавий ажралашлар нисбатан кам, фарзанд улғайтач, ота-онасининг қаватига кириб, унинг

оғирини енгил қилишга ҳаракат қилади, уларни тайлаб кетмайди. Кексалик чоғида ота-онага кўрсатиладиган эҳтиром янада кучаяди, иззаат-икром қилинади. Шунинг учун жамиятимизда фарзанд тарбиясига эътибор ва ғамхўрлик БМТ томонидан қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция талабларига тўла-тўқис жавоб беради. Бинобарин, жамиятнинг асосий негизи оила ҳисобланар экан, боланинг шахси соғлом бўлиши ва ҳар томонлама уйғун ҳолда камол топиши учун оила ғамхўрлигида, давлат қўмағида улғайиши, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги

ҳуқуқий ҳимоя жиҳатидан кафолатланиши лозим.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида бу борада ратификация қилинган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция бўлди. 1992 йилда бола ҳуқуқлари ва эрқинликларини таъминлаш бўйича қатор халқаро ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олган Ўзбекистон ҳукумати Конвенция қондаларига мувофиқ БМТнинг бола ҳуқуқлари қўмитасига мунтазам равишда уни бажариш юзасидан даврий ҳисоботларни тақдим этиб келмоқда. Ўтган йиллар мў-

байнида Халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида халқаро ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 5 февралда қабул қилинган «Она ва бола» давлат дастури тўғрисидаги қарорда оналар соғлигини мустақамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътибор қаратилган. Шунингдек, бу борада муайян тизим яратиш, болаларнинг ҳар томонлама жисмоний, маънавий ва ақл-заковатли бўлиб камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, педагогика ва психологиянинг

замонавий усулларини қўллаш асосида уларни қатъий билимлар, эркин фикрлаш қўникмаларини шакллантириш асосида, Ванатга, халққа муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда бола тарбиясида маҳалла ролини кучайтириш алоҳида таъкидлаб ўтилган.

2007 йилнинг 1 декабрида Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун маъқулланиб, 2008 йил 8 январдан қучга кирди. (Давоми 9-бетда).

«АЧЧИК» ШАКАР

«Н» чегара қисми аскарлари божхона ходимлари билан бирга рейдга чиқди. Кечкурун соат саккизда «Новкент» чегара постидан ўтиб келган «ДЭУ-СИЕЛ» русумли енгил автомобилни тўхтатиб, кўздан кечирди. Автомобилга қопларда шакар юкланган, бироқ бож тўловлари тўланмай чегарадан олиб ўтилган эди. Хайдовчи автомобил ҳужжатларини ҳам тақдим эта олмади. Холислар иштирокида баённома тузилди.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов мобайнида гумонланувчи Анваржон Аллонов муқаддам бир неча бор судлангани, сўнгги бор айнан божхонадан яширинча мол олиб ўтишга урингани учун 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилгани, жазонинг ўталмаган 3 йили ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилгани маълум бўлди. А. Аллонов автомобил Киргизистон фуқароси, Қадамжой туманининг Қизил булоқ қишлоғида яшовчи таниши А. Толубоевга тегишлилигини баён этди.

— Беш кун аввал у Водилга, уймага келди. Машина бузилиб қолди, устага кўрсатиб, тузатириб беринг, деб ташлаб кетди. Уша кунлари «Москвич» машинасини олган эдим. Унинг номерини «ДЭУ» машинасига қадаб устага олиб бордим. Кейин Қора Янтоқ қишлоғида яшовчи Зейвуддин ақанинг уйдан шакарни юклаб келётганимда чегарачилар тўхтатишди...

Гувоҳ Х. Аминжоновнинг айтишича, февраль ойида А. Аллонов «Москвич» машинасига харидор бўлган, нархини 300 минг сўмга келишишган. У 200 минг сўм бериб, қолганини кейин опкеламан дея машина номерини ечиб олган. Номер билан техпаспортини ҳам олиб кетган.

— Суриштириб келишса, шакарни мендан олди деб айтинг, дея Анваржон илтимос қилди. Лекин, мен унга шакар берганим йўқ... — дейди гувоҳ З. Саматов.

Шундан сўнг айбланувчи шакарни Киргизистон Республикасининг Қизилқия шаҳридан сотиб олиб, чегарадан яширинча олиб ўтишга уринганига иқдор бўлди. Тергов жараёнида А. Аллонов «ДЭУ-СИЕЛ» енгил автомобилни Киргизистон фуқароси А. Толубоевдан сотиб олган

ни аниқланди. Машинани божхонада расмиёлаштириш, олди-сотди шартномасини тузиб, белгиланган тартибда давлат белгисини олиш ўрнига, у ўзича «осон йўл» ни таллади. Танишига тегишли «Москвич» машинасини арзон-гаровга сотиб олиб, давлат номерини «ДЭУ-СИЕЛ» машинасига қадаб, бемалол юравераман, дея хомтама бўлди.

Суд мажлисида А. Аллонов айбига қисман иқдор бўлиб, шакарни чегарадан яширинча олиб ўтишга уринганини тан олди. Бироқ Киргизистон республикаси фуқароси, таниши «ДЭУ-СИЕЛ» автомобилни гўё устага тузатириб беришни сўраб уйига ташлаб кетганини таъкидлашдан қолмади. Бироқ гувоҳларнинг, машина эгасининг сўзларига кўра у автомобилни сотиб олган, унга бошқа машина давлат белгисини қадаб миниб юрган эди. Холис баҳоловчи ташкилот «ДЭУ-СИЕЛ» автомобилнинг нархи 7 млн. 36 минг сўмдан иборатлиги ҳақида маълумотнома берди. Ушбу машинада чегарадан яширинча олиб ўтилган 750 килограмм шакарнинг қиймати эса 675 минг сўм эди. Ашёвий далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмаларини орқали А. Аллоновнинг айби тўқис исботланди. Муқаддам судланиб, авф этилсада, бундан тегишли хулоса чиқармаган, такроран жиноятга қўл уриб, жуда кўп миқдордаги молни чегарадан яширинча олиб ўтган судланувчи «аччиқ» шакар таъмини туюб, пушаймон бўлиши учун етарли — олти ярим йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Энди унга амнистия қўлланмади.

Ориф ХОЛМАТОВ,
Фаргона туман прокурорининг
ёрдамчиси

Инсоннинг энг хавфли душмани — нафси. Чунки у ички ғаним. Киши бошига ёғилажак балолар, кўргуликлар айнан нафсининг иши бўлади. Унинг макрига учган, тузоғига илинган борки, маълум муддат айшини суриб юрсанда, охир-оқибат томоғига «суяк тиқилиши» тайин.

Тўрақўрғон туманидаги собиқ «Олтин водий» ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Убайдулла Абдуллаев маъсулдияли вазифада ишлаб келгани ҳолда нафсини енга олмади. Ҳатто,

ли ҳўжаликларга бериб юбориб, савдо қоидаларини кўпол равишда бузди. Шунингдек, у 2006 йилнинг январь-ноябрь ойларида бюджетдан ташқар мақсадли жамғармаларга ажратилган ажратмаларни ҳисоблаш учун зарур бўлган 104 млн. 389 минг сўмлик сотиш ҳажмини Тўрақўрғон тумани ДСИга топширилган ҳисоботларда камайтириб кўрсатиб, 3 млн. 585,5 минг сўмлик мажбурий ажратмаларни тўлашдан бўйин товлади.

Мансаб мавқеини суиестеъмол қилиш орқали дурустгина манфаат кўраётган У. Абдуллаев бу йўлда яна бошқача усуллардан ҳам фойдалана бошлади. Шериклари билан жиноий тил бириктириб, ҳовли-жой учун ер ажратиб бериш эвазига пул йиғиштира бошлади.

НАФСИГА МАФЛУБ РАИС

қўл остидагиларни ҳам афрофига тўлаб, жиноятга ундади.

Убайдулла Абдуллаев 1950 йил Тўрақўрғон туманида туғилган. Муқаддам икки марта судланиб, жиноий жавобгарликка тортилган. Аммо бундан тегишли хулоса чиқармади. Ҳатто кейинги гал тайинланган уч йиллик ахлоқ тузатиш иши жазосининг олти ойини ўтаб-ўтамай яна қора курсига ўтирди.

У тўрақўрғонлик, собиқ «Олтин водий» ширкат ҳўжалиги ер ҳисобчиси бўлиб ишлаган Зоҳиджон Худойберганов ва Иномжон Бўрибоевлар билан жиноий тил бириктиради. Мансабдор шахс бўлгани ҳолда улгурчи савдо фаолиятини амалга ошириш учун ҳеч қандай рухсатномаси бўлмаса-да, 2006 йилнинг январидан 2007 йилнинг ноябригача жами 9 млн. 840 минг 500 сўмлик ҳар хил маҳсулотларни тур-

теъмол қилиш орқали дурустгина манфаат кўраётган У. Абдуллаев бу йўлда яна бошқача усуллардан ҳам фойдалана бошлади. Шериклари билан жиноий тил бириктириб, ҳовли-жой учун ер ажратиб бериш эвазига пул йиғиштира бошлади.

Ер ҳисобчиси З. Худойберганов раиснинг топшириғига биноан Н. Қўчқоровдан 18 сотих ер учун 2,2 млн. сўм, А. Темировдан 12 сотих ер учун 800 минг сўм, Б. Исмоиловдан 18 сотих ер учун 1,9 млн. сўм, жами 16 нафар фуқародан 1,86 гектар ер учун 15,2 млн. сўм олиб, уларга қузда албатта ер ажратиб беришни ваъда қилди.

И. Бўриев ҳам З. Худойбердиев сингари 7 нафар фуқародан 42 сотих ер майдони учун 2,7 млн. сўм маблағни йиғиб олиб, раҳбарига топширди.

Эҳтимол, уша кезлари улар бу кирдикорлари ёпиғ-

лик қозон ичида қолиб кетди, деб ўйлашгандир. Аммо бундай бўлмади. Кирдикорлари фош бўлиб, қонун олдида жавоб беришларига тўғри келди.

Суд мажлисида З. Худойбердиев ҳам, И. Бўриев ҳам қилмишларига иқдор бўлиб, ҳақиқатан У. Абдуллаевнинг топшириғига биноан фуқаролардан жами 17,9 млн. сўм олганликларини, буларнинг барини аввалиги суд ҳўкмига биноан уларга солинган жаримани қоплаш мақсадлида банкка топширтганликлари-

ни баён этишди. Суд У. Абдуллаев, З. Худойбердиев ҳамда И. Бўриевнинг мазкур жиноий ишини афрофлика кўриб чиқиб, уларни турли муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Ҳўп, жиноятчилар-ку жазосини олди. Аммо фуқароларимизнинг ана шундай шахслар учун жиноятга имкон яратиб бераётганини қандай баҳолаш мумкин? Агар, давловарлар юқоридаги 17,9 млн. сўмни ҳеч бир ҳўжатсиз йиғиб бермагандариде, жиноятнинг олдини олган бўлардилар. Ва табиийки, ҳар бир фуқаро ўз ҳўқуқини ҳимоя қила билса, жамиятимиздаги ҳўқуқбузарликларга қарши курашга муносиб ҳисса қўшган бўларди.

Ойбек АСКАРОВ,
Бош прокуратура
хўзуридаги СВОЖДЛКК
департаментининг
Тўрақўрғон тумани
бўлими бошлиғи

Бугун юртимизда ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Матиз» ва «Дамас» автомашиналари сифати ва бежиримлиги билан нафақат ўзимизда, балки кўплав ҳориж давлатларида ҳам эътроф этилмақда. Имконини топган киши уни сотиб олиб, тўй-ҳашамада, бизнесида кенг миқёсда фойдаланаяпти. Албатта, ўзимизда ишлаб чиқарилган бундай машиналарнинг кўчаларни тўлдириб юришидан қувонса арзийди. Лекин айрим жойларда бу автомобилларнинг нархи сўнгий равишда ошириб юборилмақдаки, бу ҳолат аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмақда.



«Нексия»нинг баҳоси қанча?

Шу йилнинг январиди СВОЖДЛКК департаментининг Самарқанд вилоят бошқармасига «УздЭУ» автоқорхонасида ишлаб чиқарилаётган «Нексия» машиналари жойларда «шапка»-си билан сотилаётгани ҳақида маълумот тушди. Маълумотга асосан махсус тадбир ўтказилди. Аниқланишича, Самарқанд шаҳрининг Акмал Икромов ва Амир Темур кўчалари кесишган жойда фуқаро Шариф Фозилов ва Рустам Абдуллаев оқ рангли «Nexia Dacia GL» русумли автомашинани Аминжон Болтаева 16 минг 400 АҚШ долларига сотишга келишган. Улар 15 минг долларни олиб, қолганини автомашинани расмиёлаштирган дан сўнг олишга рози бўлишган. Олиб-сотарлар автомашинани харидорга бераётганда ушланди.

Тадбир давоминда Ш. Фозилов ва Р. Абдуллаевдан 2 донга оқ рангдаги янги «Nexia Dacia GL» русумли ва битта янги «Ваз-

21014» русумли автомашина ашёвий далил сифатида олиниб ҳўжатлаштирилди.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Кейинги пайтларда ҳаётимизга уяли телефонлар шўнчалик тезлик билан кириб келдики, ҳатто тасаввурга ҳам сиғдириб бўлмади. Чекка қишлоқлардаги юртдошларимиз ҳам дунёнинг нариги бурчагиди қадрдони билан уйда ётиб сўзлашади бўлди. Лекин текнинга эса. Уяли телефон деганига ҳам пул «солиб» турманг, бир сўмга қиммат матоҳда айланиши ҳеч гапмас.

2008 йил февраль ойида департамент ходимлари Самарқанд туманида хўсусий тадбиркор У. Нодирова тегишли дўқонда текшириш ўтказилди. Текширишда У. Нодировнинг ёрдамчиси У. Қўбилов харидор С. Раҳмоновга 128 донга «Coskom», 250 донга «МТС» ва 400 донга «Билайн» карточ-

каларини жами 2000 АҚШ долларига қонунга хилоф равишда сотганини аниқланди.

Дўқон қўздан кечирилганда эса бу ерда 16 млн. 750 минг Ўзбекистон сўми, 300 донга «Coskom», 200 донга «МТС», 50 донга «Perfekstum», 100 донга «UzNet» ҳамда 30 донга «Центр телеграф» карточкалари, шунингдек, турли хилдаги уяли алоқа телефон жиҳозлари мавжудлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Ушбу ҳолат юзасидан У. Нодиров ва У. Қўбиловларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тегишлилиги бўйича тергов ҳаракатлари олиб боришлиқ учун вилоят прокуратурасига юборилди.

Қахрамон ХОДЖАЕВ,
Бош прокуратура хўзуридаги
СВОЖДЛКК департаментининг
Самарқанд
вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Инсониятга беҳад талофатлар келтириб чиқараётган, динни ниқоб қилиб, аслида ҳокимиятни эгаллашдек разил мақсади йўлида кўплав бегуноҳ кишиларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлаётган диний экстремизм ва терроризм балоси бугун фақат бир давлат ёки минтақада эмас, балки умумжаҳон миқёсида муаммога айланди.

Андижон вилоят ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларининг жорий йилнинг 28 март кунги мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишида 2 та долзарб масала, яъни диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ бўлган жиноятчилик ва ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда дастлабки терговда жиноятларнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаб, уларни бартараф этиш, терговда айбланувчиларни лавозимларидан четлатиш аҳволи муҳоқамга этилди.

Диний экстремизм ва терроризмга оид жиноятчилик ва ҳўқуқбузарликларга қарши курашда мамъурий идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигини янада кучайтириш, амалиётда юзага келаётган айрим муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиб, фаолият самарадорлигини ошириш йўллари келишиб олинди.

Абдуҷамол ТУРҒУНОВ,
Андижон вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

САҲИФАМИЗДА: ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН ПРОКУРАТУРАСИ

Мустақиллик йилларида ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинаёти. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар адолат принципларининг жамиятга таъбиқ этилаётганлигини намойиш этмоқда. Амалга оширилаётган бу ислохотларнинг асл

амалдаги қонунлари, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш борасида Мирзо Улуғбек туман прокуратураси томонидан ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя

сўмлик, жорий йилнинг икки ойида 890 минг сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундирилди.

Маълумки, олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга қарамай мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётган, яъни ишлаб чиқариш фаолиятини зарар билан яқунлаётган корхоналар ҳам йўқ эмас. Шунингдек, корхоналар ўртасидаги дебиторлик ва креди-

иш ҳақи ўз вақтида тўланиши учун ҳужалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, яъни мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш назарда тутилган. Мазкур қарор прокуратура органлари зиммасига бир қанча вазифалар юклайди. Хусусан, Мирзо Улуғбек туман прокуратураси томонидан ҳам бу йўналишда бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, ўтган йил давомида 399 нафар ишчи-хизматчилар манфаатини кўзлаб фуқаролик ишла-

бўлимига жами 13 минг 736 та 2 млрд. 566,9 млн. сўмлик ижро варақалари келиб тушган бўлиб, йил давомида жами 17 минг 515 та ижро иши юзасидан 1 млрд. 759 млн. 478 минг сўм ундирилган.

Туман прокуратураси томонидан ўтган йил давомида мазкур соҳада ўтказилган текширувлар натижасига кўра 7 та тақдимнома киритилган, 27 та маъмурий, 9 та моддий, 22 та интизомий, 6 та жиноят иши кўзга тушиб ҳақида қарорлар қабул қилинган.

Юрт ободлиги, халқ фаровон-

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

мазмун-моҳияти, энг аввало, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикасининг

қилиш бўйича 2007 йилда ва жорий йилнинг ўтган икки ойида ўтказилган текширувлар жараёнида асосий эътибор тўлов интизоми, банкротлик, ижтимоий таъминот, меҳнатга оид қонунлар, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш каби масалаларга қаратилди.

Текширишлар натижаси сифатида зарур ҳолларда протестлар киритилди, қонунбузарликка йўл қўйган шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. 60 та ҳолатда эса жиноят иши кўзга тушди. Текширувлар давомида айбдорлардан ўтган йил мобайнида 1 млн. 726 минг

торлик қарзларнинг камайишига эришиш бугунги кунимизнинг долзарб вазифалари сирасига кирди. Хусусан, туман миқёсида 2 та корхонада, шундан 1 тасида муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжудлиги аниқланган ва ўтган йилда бундай қарздорлик камайишига эришилди. Шунингдек, муддати ўтган кредитор қарздорлик ўтган йил якунлари бўйича 2 та корхонада қайд этилган бўлиб, камайишига эришилди.

Туманда дебитор-кредитор қарздорликни камайтириш мақсадида ўтказилган текширувлар натижасига кўра 164 та оғохлан-тириш, 7 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ва 1 та жиноят ишлари кўзга тушди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона ва ташкилотлар ҳодимларига

ри бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига 126.155 минг сўмга даъво аризалари киритилган. 14 нафар шахсга нисбатан маъмурий, 2 нафарига нисбатан интизомий жавобгарликка доир қарорлар қабул қилинган ва 1 та ҳолатда жиноят иши кўзга тушди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса 7 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш кўзга тушди.

Фуқаролар ва юридик шахслар томонидан коммунал тўловларнинг ўз вақтида тўланиши юртимиз фаровонлигига хизмат қилиши исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Аммо ҳамма ҳам бунга тушуниб етмаётгани бор гап. Туман прокуратураси томонидан бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда коммунал тўловлардан қарздорлик охиби кетганининг олдини олишга доир таъсир чоралари кўриб келинмоқда. Жумладан, ўтган йил 31 декабрь ҳолатига фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига 13282 та 18523,0 млн. сўмга даъво аризаси келиб тушган. Суд ижрочилар

лиги кўп жиҳатдан тadbirkorлик, ишбилармонлик ва ташаббускорлик муҳитининг шаклланиши, рағбатлантирилиши билан боғлиқлиги маълум. Шу маънода, мустақиллик йилларида, айниқса, сўнгги йиллар ичида мамлакатимизда тadbirkorлик субъектларига кенг йўл берилиб, уларнинг фаолиятларини кафолатловчи мукаммал қонун ҳужжатлари амалга жорий этилди. Президентимизнинг тadbirkorларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қарори Фармон ва Қарорлари қабул қилинди. Туман прокуратураси томонидан мазкур қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ўрганилиб, таҳлил қилиб борилмоқда.

Хуришд ЖАЛОЛОВ,
Мирзо Улуғбек туман прокурорининг ўринбосари

Суратда: туман прокурори ёрдамчилари Л.Мирзараҳимов ва А.Рустамбоевлар қонунларга киритилган ўзгаришлар билан танишмоқдалар.

СОХТА ДИПЛОМ

у билан узоққа бориб бўлмайди

Эртанги кунини ўйлаган ҳар қандай замондошимиз олдий маълумот олишга ҳаракат қилади. Зеро, 4-5 йиллик таълим захматлари тез орада ўз самарасини бериб, шахснинг жамиятда муносиб ўрин тутишига имкон яратди. Бу кўпчилиқка аён ҳақиқат. Таассуфки, орамизда шундай инсонлар ҳам учраб турадики, уларни олдий таълим олишдан кўра олдий таълим олганлик ҳақидаги диплом кўпроқ қизиқтиради. Улар учун қандай йўл билан бўлса-да диплом сохиби бўлиш муҳимроқ. Бу йўлда ҳар қандай қонунбузарликдан ҳам тап тормайдиغانлар сохта диплом билан узоққа бориб бўлмаслигини тушунганларида вақт ўтган бўлади.

Ҳамшаҳримиз Озода Юнусова (исм-фамилия ўзгартириб берилмоқда) ҳам ҳеч қийналмай «олдий маълумотли» бўлиб, сохта диплом сохибасига айланганлардан экан. Тўғриси, ўз ишини яхшигина юриштиб келаётган бу аёлнинг уш йилдан кўпроқ вақт мобайнида катта даргоҳда қалбаки диплом билан ишлаб юргани ҳеч кимнинг эҳтиётига ҳам келмаган эди.

Ҳаммаси ўтган йилнинг ёзидан бошланди. О.Юнусова бош ҳисобчи бўлиб ишлаб келаётган Банк-молия академияси Республика банклар уюшмасига қарашли бўлгани боис, уюшма академияда ишловчи бўлим бошлиқларидан олдий маълумот ҳақидаги дипломларининг асл нусхаларини тақдим қилишни сўрайди. Турган гапни, бу ҳабарни эшитган О.Юнусова ўзини кўзга жой топпмай қолди. Вақт ўтаверди ҳамки, О.Юнусованинг олдий маълумот олгани ҳақидаги дипломи негандир топилавермади.

Сабаби... Сабаби жудаям жиддий бўлиб чиқади. Бундан анча йил аввал, аниқроғи 1995 йилда О.Юнусова қандайдир «Эркин Пирназаров» деган таниши орқали Тошкент Халқ ҳўжалиги институтини (ҳозирги Иқтисодий университетини) тамомлагани ҳақида қалбаки диплом сотиб олган экан. Аммо-лекин О.Юнусова «отдан тушса ҳам эгардан тушмайди» тоифасидан бўлиб чиқди. У ҳали дипломи сохта эканлигидан беҳабар академия раҳбариятини алдаб, гўёки дипломининг асл нусхасини йўқотиб қўйгани ҳақидаги чўпчакларига ишонтиради. Ҳатто олдий маълумот тўғрисидаги диплом йўқолгани тўғрисида газетга эълон ҳам беради. Бироқ, Банклар уюшмаси томонидан Иқтисодий университетга юборилган сўровномадан сўнг ҳамма нарса ойдинлашди: О.Юнусова номига берилган ВС 967038 рақамли диплом университетда рўйхатга олинмаганлиги маълум бўлади. «Кингир ишнинг кийиғи кирқ йилдан сўнг ҳам чиқади» деганлари шу бўлса керак. Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди ҳукми билан сохта диплом сохибаси О.Юнусова қонуний жазосини олди.

Козимжон ҲАМИДЖОНОВ,
Мирзо Улуғбек туман прокуратураси терговчиси

Мамлакатимиз фуқароларининг меҳнат ҳуқуқига оид мукаммал ҳуқуқий асослар яратиб берилган. Аммо корхона-ташкilot, муассасаларнинг айрим раҳбарлари фуқароларнинг ана шундай ҳуқуқларини «нутуби қўяётган» ҳолатлар ҳам учраб турибди.

2003 йилдан буён Мирзо Улуғбек туманидаги 49-ўрта мактабда кимё фанидан ўқитувчи бўлиб ишлаб келаётган Меҳрибон Тошматова ўтган йилнинг 17 сентябрида қутилмаганда ишдан бўшатилади. Нима сабабдан ишдан бўшатиладигани тушунолмаган М.Тошматова туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилади.

Туман прокуратураси томонидан ариза юзасидан мазкур мактабда хизмат текшируви ўтказил-

МУАЛЛИМА МАКТАБГА ҚАЙТДИ

ганда М.Тошматованинг ишдан бўшатилишига ҳеч қандай қонуний асос бўлмагани ва мактаб директорининг уни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғи қонуний равишда чиқарилгани аниқланади. Туман прокурори томонидан протест келтирилгач, мактаб директори С.Миннинг М.Тошматовани вазифасидан озод қилишга оид 2007 йил 24 сентябридаги буйруғи бекор қилинган. Аммо 16 октябрда келиб мактаб директори М.Тошматовани ўз хоҳишига кўра, ишдан бўлаш ҳақидаги аризасига биноан вазифасидан озод қилиш тўғрисида яна буйруқ чиқаради.

Шундан сўнг М.Тошматова Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига 49-ўрта мактаб ва туман Халқ таълими бўлимига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарарини ундириш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Юқорида айтганимиздай, мактаб директори М.Тошматовани ўз хоҳишига кўра, ишдан бўлаш ҳақидаги аризасига биноан вазифасидан озод қилиш тўғрисида яна буйруқ чиқарган. Бу ҳолатда меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган. Жумладан, Олий суд Пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»ги қарориди «меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳодим шу корхонадаги ишини ҳақиқатда ташлаб кетиш истагини билдирган эъза аризасига биноан йўл қўйилади. Судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида берганлиги тўғрисидаги важларини синчковлик билан текширмоқлари лозим» деб кўрсатилган.



Суд М.Тошматова гарчанд ишдан бўлаш ҳақидаги аризани ўзи ёзиб имзолаган бўлса-да, ариза директор қистови билан ёзилган, деб ҳисоблайди. Ариза мазмунидан ҳам бу факт тасдиғини топган.

Суд мажлисида иштирок этган 49-ўрта мактабнинг ишончли вакили даъвогар М.Тошматова мактаб интизоми қондаларини бир неча марта бузиб келгани ва шунга ўхшаш ҳолатларни ишдан бўшатиладигана сабаб қилиб кўрсатди. Аммо бу важлар буйруқ билан бир-бирига зиддир. Чунки юқориди сабаблар асос бўлганида М.Тошматова Меҳнат кодексининг 100-моддасига асосан бўшатилиши керак эди. Ваҳоланки, даъвогар кодекснинг 99-моддасига асосан ишдан бўшатиладиган. Қолаверса, у мактабдаги иш фаолияти давомида оғохлантириш, хайфсан ва бошқа жазолар олган.

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2008 йил 8 январдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг талаблари қисман қаноатлантирилди. М.Тошматова ўз ишига тикланиб, унинг фойдасига мажбурий прогул вақти учун ойлик иш ҳақи ва маънавий зарар ундирилган.


Жорий йилнинг 8 февралда Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси 49-ўрта мактаб томонидан келтирилган апелляция шикоятини қўриб чиқди.

Суд тарафларини баёнотларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди.

Гулбахор ИСРОИЛОВА,
Мирзо Улуғбек туман прокурорининг катта ёрдамчиси

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).
Собик Шўролар даврида ул зотга берилган тавсифлар хусусида эса умуман гапирмасам ҳам бўлади. Мен Темур бобомизнинг шахсини идеаллаштириш фикридан йироқман. Фақат соҳибқироннинг ҳолис кифасини тасвирлаб бермоқчиман, ҳолос. Зеро, буюк тарихий шахсларни фақат тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан, ўша замон воқеалигини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш зарур. Маълумки, Амир Темур 1336 йил 9 апрелда Кеш (Шаҳрисабз) вилоятининг Хужа Илғор қишлоғида таваллуд топган. Ўз даврининг тиббиёт, фа-

тортмай кириб чиқадиган, томсиз, эшиги, тўсиги йўқ уйга ўхшайди». Покистонлик таниқли адиб Зеб Малик Абади (Илмас тахаллуси билан машҳур) эса Соҳибқирон туғрида шундай ёзади: «Ул зот даст-даваллат асос солди, мусулмон аҳлини бирлаштирди ва жипис-



ҳим воқеа бўлди. Рисола Темур ш а х с и г а н и с б а т а н бир ёқлама қарашларга қ а р ш и эзилган илмий асар сифатидаги дастлабки у р и н и ш эди. Аммо бу қадам Москвадаги юқори

Хўш, «шаҳар аҳолисини қириб ташланг», деб буйруқ беришга Соҳибқиронни нима мажбур қилди? Аниқланишча, Исфаҳон Амир Темурга урушсиз таслим бўлган, лашкарни нон ва буғдой билан таъминлашни, бож-хирожи ўз вақтида жўнатиб туришни зиммасига олган. Соҳибқирон шаҳарда бэзи манбаларда айтилишича уч ярим минг, бошқаларига қараганда 5 минг сара аскарларини қолдириб ўз йўлида давом этган. Бу аскарлар исфаҳонликларнинг тинч-товуш турмушини таъминлашлари, уларни муҳофаза қилишлари лозим бўлган. Амир Темур жўнаб кетгач, шаҳарликлар-

Амир Темур сиймоси

лақиёт, риёзиёт ва тарих илмларини яхши ўзлаштирган Амир Темур билан юзма-юз суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлган араб файласуфи Ибн Халдун бобомизнинг араб, турк ҳамда форс халқлари тарихини, диний, дунёвий ва фалсафий билимларини мураккаб жиҳатларига яхши билишини кўриб ҳайратга тушганлигини ёзиб қолдирган. Энди ўзингиз таққослаб кўринг: Шўролар даврида «ғирт оми, жангари, Ўзга юртларни босиб олиш ҳисобига кун кўрган, одамларнинг бошларини миноралар тиклаган» бешафқат ҳукмдор деб тасвирланган зот бир томон-у, дунёга машҳур файласуф томонидан ҳайрат билан тасвирланган ҳукмдор бир томон...

Соҳибқирон бобомиз яшаган ва ҳукм сурган давр Ислом динининг гуркираб ашпаган даври эди. Ул зот динга алоҳида эътибор қаратган. Ўз тузуқларида шундай деб ёзади: «Яна тажрибада кўриб билдимки, давлат агар дину ойин (қонда) асосида қурилмас экан, тўра-тузуқка болганмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Еҳуд кас-нокас тап-

лаштирди. Ислом дунёсининг маданияти ва фани юксалишига шу қадар кучли туртки бердики, бу бизнинг тарихимизда мисли қўрилмаган оламшумул воқеа бўлди. Дарҳақиқат, Соҳибқирон чин мусулмон ва солиҳ сиймо эди. Ул зот олимларни, уламоларни, аҳли фозилларни доимо эъзозларди. Мана бу далоят ҳам ул зотнинг исломни канчалар қадрлаганини намоён этади: Амир Темур ҳарбий юришларида зумда тикланадиган ва йиғиштирилмаган ёғоч масжидини ҳамisha ўзи билан бирга олиб юрган». «Темур тузуқлари»да шундай гаплар бор: «Туғлуқ Темурхон олдига боришдан аввал Курьондан варақ очсам, «Сурайя Юсуф алайҳис-салом» (12-сура) чикиди ва Курьонни мажид ҳукмига амал қилдим». Таниқли тарихчилар Ҳофиз Абу ўзининг «Зубдат ут-таворих», Абдураззоқ Самарқандий эса «Матлаи саъдайн...» асариди Амир Темурнинг фақат Ислом илмидан эмас, балки фалсафа, таботаб ва илми нуҳумдан ҳам яхши хабардор бўлганлиги туғригина маълумот берганлар. Энди яна бир бор таққослаб кўринг: Аллоҳни таниган, Курьонни ўқитган, яна қанча-қанча илмлардан хабардор бўлган бир зотни қонхўр, золим,

босқинчи сифатида тасвирлаш қиманига керак бўлган эди? Ҳатто Британия қомусида (1946 йил) ҳам Соҳибқироннинг Курьонни қироат билан ўқитганлиги хусусида қайлар-қайлар мажбул бўлган бир пайтда нега биз, Шўролар даврида ҳар хил аломий-алжойи сафсаталарга ишониб келдик? Кўзимиз қаерда эди? Нега биз шўрпешоналар, ҳазрат Навоийнинг ул зот ҳақида ёзганларини ўқимадик? «Мажolis-ун-нафоис»да ҳазрат шундай ёзиб қўйган-ку: «Темур Курьон, — агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурулар, аммо назм ва насрнинг андоқ хуб маҳал ва мавқеъа ўқуб-дурларким, анингдек бир байт ўқурким минг яхши байт айтқонча бор».

Шундай зотнинг қўлидан турли золимликлар, ёмонликлар келди, деган гапта телба ишонмасам, бошқанинг ишонини қийин. Демак, телба бўлган эканмизда. Лекин ўша шўролар даврида ҳам мафкуравий тўсиқлар, тақиқлашларга қарамасдан Амир Темур туғрида ижобий фикрлар билдирган олимларимиз ҳам бўлди. 1968 йили академик Иброҳим Муминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиёда тутган ўрни ва роли» рисоласи чоп этилди. Бу Ўзбекистон учун му-

идоралар ва матбуот органлари томонидан қаттиқ қораланиб, асар муаллифи чексиз азиятлар чекди. Юртимиз мустақил бўлганидан кейин, ҳурматли юртбошқимиз раҳбарлигида қадим қадриятларимиз тикланди, буюк бобокалонларимиз юзига чаплаган қора буюклар юзиб ташланди. Чархи кажрафторнинг ишини кўринг-ки, бир вақтлар «Амир Темурни мактайти», деб Иброҳим Муминовга тошлар отган, ҳатто қарийб у кишининг ўлимига сабабчи бўлган, турли йиғин-мажлисларда Амир Темурнинг «ғўрига» гишт қалаган галямислар бир думалаб «темуршўнос олимлар»га айланиб қолишди. Уларнинг «санъатига» қойил қолмасдан бўлмайди. Ўзбек адабий тилида бундайларни «буқаламун» дейишади.

Энди баъзи бир кўз юмиб бўлмайдиган тарихий ҳақиқатларни таҳлил қилишга ҳаракат қилайлик. Маълумки, Амир Темурнинг араб мамлакатларига юришини пайтда Исфаҳон аҳолиси қириб ташланган. Амир Темур сиймосига қора чаплаган баъзи олимлар кўпича мана шу воқеани мисол қилиб келтириб, Соҳибқиронни «ўта шифқатсиз» бўлган деб тасвирлайдилар.

нинг феъли айниб, ярим кечаси барча аскарларни қатл этишган, фақат иккита аскар яралор ҳолларида бир амаллаб шаҳардан чиқиб, Соҳибқиронга бу хабарни etkaziшган. Маълумки, Темур бобомизнинг ўзлари ҳақиқий жангчи бўлган. Аскарларини ўз фарзандларидек яхши кўрган. Бир кечада 5 минг сара йиғитларидан айрилиб қолган саркарда алолат тамойилини топган, ўз сўзига мункир келган, Соҳибқироннинг ҳаёт нарсалар хавфсирмай, қуролсиз ҳолда ухлаётган йиғитларини қатли оми қилган шаҳар аҳолисига яна қандай жазо бериши мумкин эди? Баъзан «ўшанда Соҳибқирон шаҳар аҳолисини энгли жазо бериб қўймаганмикан?» деб ўйлаб қоламан. Темур ўта шифқатсиз бўлган, деб жар солган ҳозирги «олимчалар» ўзларини Ўрта асрлар шароитида Соҳибқирон ўрнида ҳис этиб кўрсалар эҳтимол бундай ёзмасдилар?! Амир Темур ўшанда ўз фарзандларидек бўлиб қолган аскарлари учун бироз шифқатсизлик билан бўлса-да, аммо ўша пайтда амалда бўлган қонунга мос жазо белгиланган бўлса не ажаб. Зеро «ал қасосу мин ал Ҳақ». Ахир жиноятга жазо муқарраллиги барча даврга хос тамойил-ку.

Йўлдош ПАРДА

Том маънодаги халқ қаҳрамонлари асрлар силсиласидан ўтиб, ўз кечмишлари ила авлодлари ҳурмат-эътиборини қозонаверадди. Бугунги авлод истиқнол шарафати билан Темур шахсиятини, унинг ҳақиқатини англаш бахтига сазовор бўлди. Халқимиз буюк тарихдан, Темурдайн даҳо зотлари қолдирган меросдан, ўқ томирдан куч олиб, қаддини рослади. Президентимиз, «Кимки, ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак», дея туғри таъкидлагандилар. Дарҳақиқат, ҳар бир авлод ўз тарихини,

ёғди. Самарқандни дунё пойтахтларидан бирига айлантирди. Катта жаҳонгир сифатида ўрта асрлар дунё харитасига ўзгартишлар киритди. У ўз фаолияти давомида юрти ва дунё халқлари ободлиги йўлида қатор ишларни амалга оширди. Булар: парокандалиқ, ўзаро ички низолар ва алолатсизликлар ҳукм сурган мамлакатни ягона марказлашган давлатга айлантириш ва давлат бошқарувида муҳим ислохотларни амалга ошириш; қонун устувор бўлган жамият асосларини яратиш; жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш; Мовароуннахрни дунёнинг энг гуллаган салтанатига айлантириш; башариятнинг тинчлиги,

вий» китобини мутоала қилади ҳамда кўнглига ёққан жойларини ёд олади. Ҳақиқатан ҳам Темурбеқнинг суратида шохлик, сийратига эса шоирлик акс этган эди.

Шу боис Темур замонасининг уламолари, олимлари ва шоирларига катта эҳтиром кўрсатган. Уларнинг ижодларига доимо ҳомиийлик қилган.

У дунё мамлакатлари бўйлаб йиғилган китоблардан ноёб

елкалари кенг, боши шерникидек катта, бармоқлари йўғон, оқу қизил тиник юзли, йўғон овозли, икки кўзи бамисоли икки ёниқ шамдек, бадаани пишшқ, худди тош мисоли қаттиқ, ўлимдан қўрқмайидан, изтиробсиз, вазимин одам эди».

Темур ҳаёти давомида неча бор ўлим билан юзма-юз келган бўлса-да килриқ қоқмайди. Лекин фарзанди Умаршайх мирзонинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитгач, ҳеч ким билан гаплашмай қирқ кун тотам тутуди. Эрта кетган ўғлининг доғига қуяди. Бундан ташқари, Темур доимо айтган гапларидан ҳақиқат ўйликка амал қилган. «Мен — дейди у, — ҳар кимга ки ваъда берсам, унга вафо қилдим. Ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр etkazмаслигимни англадим».

Амир Темур ҳаёти давомида бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан ҳам кўп шуғулланган. У Самарқандда тақроланмас иншоотлар ва боғлар бунёд эттирди. Соҳибқирон қурдирган саройлар Р.Г.Клавихонинг ибораси билан айтганда: «ҳатто парижлик усталарнинг ҳайрат бармоғини тишлатар» даражада кўркам эди.

Амир Темур доно сиёсатчи сифатида ҳар бир ишни маслаҳату машварат билан амалга оширади. Темур даврида қонунлар барчага тенг бўлган, яъни давлат томонидан қайси-дир миллий маданият, тил зўриқ кучи билан бошқа худудларга олиб кирилмаган. Ўрта Осиёда туркий тил аёнчаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Темур ташқи сиёсатда ҳам босиқлик ва вазмиллик билан иш олиб борган. У доимо «элчига ўлим йўқ» тамойилига амал қилган.

Табаррук қадамжоларни обод қилиб, иморатлар қурдирган. Хуллас, Амир Темур фаолияти том маънода ибрат мактабидир.


Аброр ХИДИРОВ,
ЎзМУ тарих факультети катта ўқитувчиси

Соҳибқироннинг умрбоқий қадриятлари

ўзлигини ҳаққоний ўрганиш ҳуқуқига эга. Темур даври тарихий китобларини варақлаш баробарида унинг ўзига ҳос буюклик феноменини кашф этасиз. У ҳукмдор сифатида шаклланар экан, ўз олдига қатор вазифалар қўйган. Шулардан бири Ўрта Осиё заминини мўғул галалари зулмидан озод этиш эди. Темур шахсиятига хос ноёб фазилатлардан бири бу унинг ўз киндик қони томган ватанини севишидир. У шу йўлда ўзининг ва фарзандларининг ҳам жонини аямайди. Темур ўз Ватани доврғини етти иқлимга

фаровонлиги ва адолатни таъминлаш; турли эътиқоддаги халқларга бағрикенг муносабатда бўлишдан иборат эди. Соҳибқирон ўз даврининг ўқимишли, зиёли кишиси бўлган. Муаррих Ҳофиз Абу ў «Зубдат-ут-таворих»да ёзади: «Амир Соҳибқирон мактабда ўз тенгқурларидан сабоқда ўзиб кетарди. Балогоғишга етгунча илм, адаб, хат ва суҳанварлик касб эди. Ундаги теран билим шижоатга пайванд бўлди ва шундан сўнг амирлик мансабини эгаллади». Темурбек мадрасада Жалолддин Румийнинг «Маънавий ва масна-

кутубхона бунёд этган. Кейинчалик бу Самарқанд академиясига асос солинишига сабаб бўлган. Темур кекаларини, қолаверса, ота-онасининг ҳурматини жойига қўйган. Испания элчиси Р.Г.Клавихонинг таъкидлашича, Темур Кешда қурдирган муҳташам Оқсаройни падарийбузруквоори хотирасига атаб бунёд эттирган. Амир Темур сиймоси ҳақида ёзар экан, Ибн Арабшоҳ алоҳида диққатга сазовор бир чизгини келтиради: «Темур баланд бўйли, қадимий паҳлавонлардек улкан қоматли,



Хазратлик теледастурлар

ДУШИҚ TV

2008-yil 3-aprel, № 14 (587)

Моҳият

Ҳақиқатнинг
яқин дўсти
— вақт, ёвуз
душмани
— бидъат.

K.KOLTON

7-aprel, Dushanba

07.00, 10.30, 14.00, 18.30, 20.00 **Ўзбек навалари**
08.00 **Сериал «Жассига ўқшаши йўк»** 109-серия
08.30 **Мировые хиты**
09.30 **Сериал «Кинокурьер»**
11.30 **Х/ф «Скала»**
14.30 **«Премьера» (ўзб)**
15.00 **Baby hits**
15.30 **Мультфильм «Baby Terra Landiya»**
17.00 **«Кинокурьер»**
18.00 **Мировые хиты**
19.30 **Сериал «Жассига ўқшаши йўк»** 109-серия
21.00 **Мировые хиты**
21.30 **Сериал «24 часа»**
22.30 **Комедия по понедельникам: «Лиззи Маккауайер»**
00.20 **Миксер**

08.00 **Сериал «Жассига ўқшаши йўк»** 109-серия
09.30 **Сериал «24 часа»**
10.30 **Мировые хиты**
11.30 **Х/ф «Лиззи Маккауайер»**
14.30 **«Кинокурьер»**
15.00 **Baby hits**
15.30 **Мультфильм «Премьера» (рус)**
17.00 **Мировые хиты**
19.30 **Сериал «Жассига ўқшаши йўк»** 111-серия
20.00 **Ўзбек навалари**
21.00 **Мировые хиты**
21.30 **Сериал «24 часа»**
22.30 **Х/ф «Человек года»**
00.35 **Миксер**

8-aprel, Chorshanba

07.00, 08.30, 13.35, 18.30 **Ўзбек навалари**
08.00 **Сериал «Жассига ўқшаши йўк»** 110-серия
09.30 **Сериал «24 часа»**

8-aprel, Seshanba

07.00, 08.30, 13.20, 18.30 **Ўзбек навалари**

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

10.30 **Мировые хиты**
11.30 **Х/ф «Человек года»**
14.30 **«JanнатMakон»**
15.00 **Baby hits**
15.30 **Мультфильм «Baby Terra Landiya»**
17.00 **Мировые хиты**
19.30 **Сериал «Жассига ўқшаши йўк»** 111-серия
20.00 **Ўзбек навалари**
21.00 **Мировые хиты**
21.30 **Сериал «24 часа»**
22.30 **Киноколлекция: Х/ф «Взвод»**
00.50 **Миксер**

10-aprel, Payshanba

07.00, 08.30, 13.50 **Ўзбек навалари**
08.00 **Сериал «Жассига ўқшаши йўк»** 111-серия
09.30 **Сериал «24 часа»**
10.30 **Мировые хиты**

11-aprel, Juma

07.00, 08.30, 14.00 **Ўзбек навалари**
08.00 **Сериал «Жассига ўқшаши йўк»** 112-серия
09.30 **Сериал «24 часа»**
10.30 **Мировые хиты**
11.30 **Х/ф «Водный мир»**

14.30 **«Премьера» (рус)**
15.00 **Baby hits**
15.30 **Мультфильм «Премьера» (ўзб)**
17.00 **Мировые хиты**
18.00 **Ўзбек навалари**
19.30 **Сериал «Жассига ўқшаши йўк»** 113-серия
20.00 **Ўзбек навалари**
21.00 **Мировые хиты**
21.30 **Сериал «24 часа»**
22.30 **Х/ф «Планета обезьян»**
00.50 **Миксер**

12-aprel, Shanba

07.00, 11.50, 15.30 **Ўзбек навалари**
08.30 **Мировые хиты**
9.30 **Х/ф «Планета обезьян»**
12.00 **Baby hits**
12.30 **Мультфильм «Семейное кино: Х/ф «Модная мамочка»**
16.30 **Мировые хиты**
20.00 **Ўзбек навалари**
21.30 **«Премьера» (ўзб)**

22.00 **Блокбастеры по выходным: «Чужие против хищника. Реквием»**
23.50-01.30 **Другая музыка**

13-aprel, Yakshanba

07.00, 11.20, 17.00 **Ўзбек навалари**
08.30 **Мировые хиты**
09.30 **Х/ф «Чужие против хищника. Реквием»**
12.00 **«BABY TERRA LANDIYA»**
12.30 **Мультфильм «Жассига ўқшаши йўк»** 109-113 сериаллар
17.30 **«Спец. репортаж»**
18.00 **Концерт**
19.00 **Мировые хиты**
19.30 **Ўзбек навалари**
20.30 **«Кинокурьер»**
21.00 **Ўзбек навалари**
21.30 **«Премьера» (рус)**
22.00 **Блокбастеры по выходным: «Я легенда»**
00.00 **Миксер**

Kamalak канали ҳафталик дастури

7-aprel, Dushanba

12.00, 14.00 **Клип минутка**
12.20 **Ералаш**
12.40 **М/ф «Мальчи в Париже»**
14.20 **Х/ф «Илья Муромец»**
15.50 **Мультфильм «Музыкальная дорожка»**
16.10 **Музыкальная дорожка**
16.50 **Х/ф «Сердцедеди»**
18.45 **Музыкальная дорожка**
19.25 **Х/ф «Форсаж»**
21.15 **Музыкальная дорожка**
21.55 **Х/ф «Американская рапсодия»**

8-aprel, Seshanba

12.00, 14.00 **Клип минутка**
12.20 **Ералаш**
12.40 **М/ф «Помогите, я рыба»**
14.20 **Х/ф «Приключения электроники»** 2-серия
15.25 **Мультфильм «Музыкальная дорожка»**
16.25 **Х/ф «Парикмахерская»**
18.05 **Музыкальная дорожка**
18.45 **Х/ф «Робокоп 3»**
20.25 **Музыкальная дорожка**
21.05 **Х/ф «Познакомьтесь Джо Блэк»**

9-aprel, Chorshanba

12.00, 14.00 **Клип минутка**
12.20 **Ералаш**
12.40 **М/ф «Подводная братва»**
14.20 **Х/ф «Канн 18»**
15.50 **Мультфильм «Музыкальная дорожка»**
16.10 **Музыкальная дорожка**
16.50 **Х/ф «Заводилы»**
18.20 **Музыкальная дорожка**
19.00 **Х/ф «Терминатор 3»**
20.40 **Музыкальная дорожка**
21.20 **Х/ф «Искусственный интеллект»**

10-aprel, Payshanba

12.00, 14.00 **Клип минутка**
12.20 **Ералаш**
12.40 **М/ф «Русалочка»**
14.20 **Х/ф «Мелкие мошенники»**
15.55 **Мультфильм «Музыкальная дорожка»**
16.15 **Музыкальная дорожка**
16.55 **Х/ф «Цельх 10 ярдов»**
18.30 **Музыкальная дорожка**
19.10 **Х/ф «Власть страха»**
21.05 **Музыкальная дорожка**
21.45 **Кино ХИТ «Мумия 2»**

11-aprel, Juma

12.00, 14.00 **Клип минутка**
12.20 **Ералаш**
12.40 **М/ф «Грув»**
15.40 **Мультфильм «Музыкальная дорожка»**
16.40 **Х/ф «Несравненный»**
19.05 **Музыкальная дорожка**
19.45 **Х/ф «Между небом и землей»**
21.15 **Музыкальная дорожка**
21.55 **Большое кино «Чужой»**

12-aprel, Shanba

10.00, 11.35 **Клип минутка**
10.20 **М/ф «Астерикс и Викинги»**
11.55 **М/ф «Балто 2»**
13.05 **Рейтинговый фильм «Мумия 2»**
14.55 **Кино ХИТ «Мумия 2»**
17.00 **Музыкальная дорожка**
17.40 **Х/ф «Премия Дарвина»**
19.10 **Музыкальная дорожка**
19.50 **Х/ф «Джоки и кошечки»**
21.25 **Музыкальная дорожка**
22.05 **Х/ф «Исполнитель желаний 2»**

13-aprel, Yakshanba

10.00, 11.35 **Клип минутка**
10.20 **М/ф «Мадагаскар»**
11.55 **М/ф «Возвращение Джабара»**
13.00 **Рейтинговый фильм «Большое кино «Чужой 4»**
16.30 **Музыкальная дорожка**
17.10 **Х/ф «Джо кто-то»**
18.45 **Музыкальная дорожка**
19.25 **Х/ф «Принцесса мейби»**
20.55 **Музыкальная дорожка**
21.35 **Видеобитва:**
1. **Годзилла**
2. **Царь скорпионов**
3. **Глаз бури**

UZBEKISTON

5.55 **Кўрсатувлар дастури.**
6.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»**
7.00 **Т/с «Сарой жавоҳири»**
7.35, 18.40, 20.50 **«Минг бир ривоят»**
7.40 **«Дилуш наволар»**
7.55, 9.50, 14.15, 17.10, 18.45, 20.00, 22.55 **ТВ анонс.**
8.00-8.45 **«Тахлилнома»**
8.45, 13.50, 17.15 **«Олтин мерос»**
8.50 **В/ф «Жаҳон Отин Увайсий»**
9.30, 16.40 **«Муҳаддас қадамжолар»**
«Болалар сайраси»:
9.55 **«Болалар дунёси»**
10.15 **М/с «Кўк сиқон ва мушук»**
10.35 **«КиноТеатр»**
19.25 «Чрезвычайное происшествие». Обзор за неделю.
20.00 «Главный герой».
21.00 «Воскресный вечер с В. Соловьевым».
22.15 «Футбольная ночь».
22.45 Х/ф «Свидетель».
00.55 Х/ф «В движении».
02.45 Т/с «Вероника Марс 2».
03.30 Т/с «Без следа 3».

ТВ

10.00 «Звезды меняют профессию».
11.00 «Битва экстрасенсов».
12.00 Клуб бывших жен.
13.00 «Cosmopolitan. Видеоверсия».
14.00 Комедия «Лавка чудес».
15.45 Т/с «Саша + Маша».
17.00 Танцы без правил.
18.00 Такси в Питере.
18.30 Т/с «Женская лига».
19.00 «Битва экстрасенсов».
21.00 «Комеди Клуб».
22.00 Т/с «Женская лига».
22.30 «Смех без правил».
23.30 «Секс с А. Чеховой».
01.35 Антология юмора.
02.30 «Офис».
04.20 Лавка анекдотов.

ТВ

07.00 «Улс»
08.00 М/ф.
08.30 М/ф «Кот по имени Ик».
09.00 М/ф «Секретные материалы псов-шпионов».
09.30 М/ф.
10.00 Т/с «Томми-оборотень».
11.00 Х/ф «Шерлок Хомс и Доктор Ватсон: Знакомство».
14.00 «Мистика звезда».
15.00 Т/с «Похищенные».
17.00 Х/ф «Дорога в Зарахемлу».

SPORT

23.00 Т/с «С.С.И. Место преступления. Лас-Вегас».
00.00 Т/с «Отряд «Антитеррор»».
02.00 Т/с «Лас-Вегас».
02.55 Т/с «Вспомнить все».
03.50 Ночной клуб.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш, болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга, ювенал адлия тизимини яратиш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашишдан ва бошқалардан иборат. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширилади ва шу бўйича устувор йўналишларни белгилайди. Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқарилади. Давлат органлари, болалар муассасалари, ташкилотлари фаолиятини му-



қа тоифадаги болалар ўзлари яшаган турар-жой майдонига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ турар-жой олиш ҳуқуқига эга. Етим ёки ота-онаси ва бошқа қонуний вакиллар қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш тўғрисида давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Ногирон, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқий кафолатлари давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, шунингдек ўз уйларида парвариш қилиниш ҳуқуқлари амалга оширилиши орқали таъмин этилади. Махсус педагогик ёндашувга эҳтиёж бўлган болалар белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишлари учун зарур маблағлар давлат томонидан ажратилади. Шу билан бирга бундай болаларга махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ — ДАВЛАТ ИҚБОЛИ

вофиқлаштирилади ҳамда назорат қилиб боради. Бу тадбирлар давлат бюджетни маблағлари ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молилаштирилади. Қонунда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат органлари ва бошқа органларнинг шу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида бола ҳуқуқлари бўйича ваколатли орган ташкил этилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007-2011 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича ҳаракат Дастури»га биноан илгор халқро тажриба ва ҳуқуқ тизими ҳисобга олинган ҳолда оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя

қилишини ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва ривожлантириш, уларнинг моддий фаровонлигини мустаҳкамлаш, зарур иқтисодий шароитлар яратиш, 12 йиллик умум-миллий миқёсдаги таълим дастурини амалга ошириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш тизимини ривожлантириш, болаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — ногиронлар, етимлар, кам таъминланган оилалар фарзандларининг давлат томонидан ҳимояланиши кўзда тутилган.

Қонунда боланинг яшаш, ғайриқонуний кўчиришдан ҳимояланиш, индивидуалликка эга бўлиш ва уни сақлаб қолиш, ўз фикрини ифода этиш, шунингдек эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатлари ҳамда бошқа ҳуқуқлари қатъий белгилаб қўйилган.

Қонунда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг жамиятга уйғунлашиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Бунда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуққа эга эканлиги назарда тутилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқишда давлат ташаббускор бўлади ҳамда зарур ресурслар ажратилади.

Шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг битирувчилари ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бош-

таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланишда ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишларига мос бўлган таълим олиш, (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассаса турини таллаш ҳуқуқи берилади.

Бир сўз билан айтганда, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни миллий қонунийликни бола ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар билан мувофиқлаштириб, унинг халқро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига мослигини таъминлайди ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини белгилайди.

Исмаилюлло Йўлдошев,
Самарқанд вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Хар бир миллатнинг келажagini ёшлар белгилайди. Уларнинг муносиб ворислар бўлиб етишишида таълим-тарбиянинг ўрни беизбирдир. Уларга берилган эътибор миқёси миллатнинг савиясини белгилар экан, 2008 йилнинг Президентимиз томонидан «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши эътиборлидир. Президентимиз «Ёшлар — халқ қилувчи кучдир» дея таъкидлаб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш борасида асосий вазифаларни белгилаб берди. Бундай ғамхўрлик ўз келажаги учун лозим даражада қайғураётган миллатга хосдир.



Ёруз манзиллар сари

Қудратли давлатларнинг тарихига назар солсак, улар энг биринчи навбатда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратган. Айниқса, таълим тизимига жуда катта сармоя ажратган. Йиллар ўтиб қилинган меҳнатлар ўз мевасини берган. Бунга Япония, Германия, Франция каби давлатларнинг босиб ўтган йўли мисол бўла олади. Мамлакатимизда ҳам ёшларнинг таълим олишига давлат аҳамиятига молик устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Президентимиз Исрол Каримов: «XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади? Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтан назаридан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин», деган эди. Ҳақиқатан ҳам билимли давлатнинг ёшлари ўз халқининг фидойи инсонлари бўлади.

Мамлакатимиздаги барча соҳаларда бўлгани каби олий ва ўрта махсус таълим тизимида ҳам қатор вазифаларни амалга ошириш талаб қилинди. Шунинг билан таълим тизимидаги ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб қўйилди. 1997 йили қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун бу эзгу ҳаракатнинг пойдевори вазифасини ўтади. Унга кўра, иқтисодий ёшлар ўз истеъодларини рўйбга чиқаришлари учун янги хилдаги ўқув муассасалари, иқтисодчиларни қўллаб-қувватловчи, уларнинг ҳоризий давлатларга ўқишини таъминловчи нуфузли жамғармалар ташкил этилди.

Президентимиз Наврўз байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табригиди ҳам ёшларга қарата даъваткорона сўзлар билан мурожаат қилди. «Ҳеч қачон бўш келманлар болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники». Юртбошимизнинг бу сўзлари миллионлаб ёшларимизнинг қалбига ёшлик шижоати ва жўшқинлигини солган бўлса не ажаб. Касбим ўқитувчи бўлганлиги туфайли таълим тизимига оид статистик маълумотларни ён дафтаримга қайд қилиб бораман. Яқинда бир газетани ўқиб қолдим, ўтган ўн йил ичда ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизимида юздан ортқ йўналишда 265 та мутахассислик ва 700 касб йўналиши бўйича бир миллиондан ортқ янги авлод вакиллари тайёрланган. Бу рақамлар ортида ҳукуматимизнинг ёш авлоднинг билим олишига бўлган катта эътибори ётибди.

Бир дониншанд: «Ёшлик доноликни ўрганадиган палла, кексалик эса уни қўлдайдиган пайт» деган экан. Кимки, ана шу ёшликда белни маҳкам боғлаб, пухта билим олса, қўзлаган мақсадига албатта эришади.

Динара АЗАМАТОВА,
Бўка агросаноат касб-хунар
коллежи ўқитувчиси

Ғамхўрлик намунаси

Республикамизда вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган зарур қонунлар қабул қилинган. Уларда ёшларнинг таълим-тарбия олишлари, ижтимоий ҳимоядан лозим даражада баҳраманд бўлишлари ҳуқуқий кафолатланган. Вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини аниқ ва бир хилда таъминлаш юзасидан Гурлан туманида ҳам бирмунча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, туман аҳолисининг 42,1 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Уларнинг 618 нафари ногирон болалар бўлиб, шундан 51 нафари уй шароитида таълим олмақда. Ёшларимизнинг замонавий билимларга эга бўлиши ва муносиб авлодлар бўлиб етишишлари учун 43 та умумтаълим мактаби ва 6 та касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Кам таъминланган оила фарзандларига мўлжалланган 95-сонли мактаб-интернатга 186 нафар ўқувчи жалб қилинган. Болаларнинг назоратсиз ва қаровсиз қоллинишининг олдини олиш туман прокуратураси томонидан доимий назорат

га олинган. Яқинлари қарамоғидан маҳрум бўлган 51 нафар етим болалар вазийлик ва ҳомийликка берилган.

Хусусан коллеж битирувчиларини мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш чора-тадбирлари курилмоқда. Шу йилнинг 11 мартида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 142 нафар ёш мутахассислар доимий иш ўринлари билан таъминланди.

Туман прокуратураси томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурорлик назорати кучайтирилгани натижасида 2007 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мабойнида бедарак йўқолиш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ҳамда таксикоманияга чалиниш, ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатлари қайд этилмади.

Бола бошидан деганларидек, вояга етмаганларга таълим-тарбия бериш жараёни боғча ёшидан бошланиши керак. Шунинг ҳисобига олиб, мактабга таълим муассасаларида соҳага оид қонунлар ижроси алоҳида назоратга олинди. Текширишларда етарли шарт-

шароит яратилмагани, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори-дармонлар мажмууд эмаслиги, овектланиш учун зарур даражада шарт-шароит яратилмагани ва санитария-гигиена талаблари бузилаётгани аниқланди. Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 3 та тақдирнома киритилиб, 16 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Бунинг натижасида туман болалар боғчалари 5 млн. сўмлик турли жиҳозлар билан таъминланди. 19 дона совутич берилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан 34 нафарига ҳомийлар томонидан иссиқ кийим-бош берилиб, уларни мактабга жалб этилиши таъминланди. Наврўз байрами арафасида 2 нафар ногирон болага ногиронлик аравачиси совға қилинди.

Максим АЛЛАМУРАТОВ,
Гурлан туман прокурори

Суратда: туман прокурори М.Алламуратов Гурлан туман енгил саноат коллежиди.

Кеч соат тўққизларда Денов туман ИИБга кириб келган одамни кўрган навбатчи, аввалига оддий шикоятчилардан деб ўйлади. Аммо унинг гапларини эшитган заҳоти бошлиққа ахборот беришга шошилди.

— Азамат Шокиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) бўламан. Денов-Тошкент йўналишида киракшлик қиламан, — деб гап бошлади ҳайдовчи бошлиқнинг хонасига киргач. — Бундан уч соатлар олдин бир киши келиб, Тошкентта битта коробка тандир гўшти олиб кетишимни илтимос қилди. Уни эртасига Тошкентда Нодир исмли одам олишини айтди. Рози бўлдим. Машина тўлмагани учун яна бироз вақт мижоз кутдим-да, охири йўлга чиқдим. Нимагадир йўлда кўнглим гаш бўла бошлади. «Тангимаш» худудига келганимда тўхтаб, коробкани очиб кўрдим. Тандир гўшти, хандон писта, майиз бор экан. Уларнинг тагида нос билан целлофан пакетда оқ кукун кўринди. Бекорга шубҳаланмаганимни сезиб, тўғри бу ёққа йўл олдим.

Ходимлар шу заҳоти машинанинг юқсонасидаги коробкани текшириб кўришди. Ҳайдовчининг кўрсатмалари тўғрилигига ишонч ҳосил қилинган, тезда режа тузилди. Унга кўра ходимлардан икки

— Ҳақиқатан пул топиш осон бўлмай қолди. Энди нима қилмоқчисиз?

— Билмадим.
— Балки «дори» билан шуғулланиб кўрармиз? Айтишларича ёмон бўлмасмиш! Агар мол топсам ўтказиш қўлингиздан келадими?
— Кўнглимдаги гапни айтдингиз. Ўтказиш бўлса қочмас, ўзингиз қанча топа оласиз?

граммини ўн беш минг доллардан баҳолашди. Лёша мижоз топган заҳоти хабар қиладиган бўлгандан кейин, улар Деновга қайтишди. Аммо ҳадеганда мижоз топилавермади, шекилли, Тошкентта қилган кўнғироқларига «ҳозирча йўқ» деган жавобнигина олишарди. Орадан ярим йилча ўтиб, Орифжоннинг уйига Нодир кириб келди. Кутаверишга сабри чидамаган бўлса керак, у ёқдан хабар бўлишини кутмасданок, бир килограмм героинни қўлтиқлаб ҳам олибди.

озроқ хандон писта, майиз олиб келинг. Айтмоқчи, нос олишни ҳам унутманг.
— Уни нима қиласиз?

— Олиб келганингизда кўрасиз. Айтилган нарсалар келгач, коробканинг тагида озроқ нос сепиб, героинни жойлаштиришди. Кейин яна нос сепиб, целлофан қоғоз ёзишди-да, устига тандир гўшт билан қолган нарсаларни ҳам тахлаб чиқишди. Бир сўз билан айтганда, «маскировка» қилишди. Бир соатлардан кейин Нодир коробкани олиб, такси гаплашгани кетди. У Денов-Тошкент йўналишида қатнайдинган таксичиларнинг олдида келди.

га кўнғироқ қилди-да, кейин Нодирга деди:

— Бир соатларда келиб қолар экан. Келишини кутамиз энди.

Коробкани олиб ерга қўйиб, мижозни кута бошлашди. Орада Нодир қўлини коробканинг ичига тикиб кўрди. Кўнгли жойига тушиб, шекилли, Орифжонга қараб жилмайиб қўйди. Орадан яна бироз вақт ўтди. Коробканинг ерда туриши Орифжонга ёқмаган бўлса керак, бошқа машинанинг эгасидан молни юқсонасига қўйиб туришини илтимос қилди. Сўнг Нодирни шу ерда қолдириб, ўзи икки-уч марта нарироққа бориб келди.

Икки соатлар ўтгач, кутилаётган машина ҳам келди. Улар ҳайдовчига раҳмат айтиб, коробкани олишди-да, Лёшанинг бошқарувидаги машинага ўтиришди. Машина йўлга тушди. Аммо манзилга етмасдан, нимагадир тўхтади. Шу заҳоти уларни тезкор-тергов гуруҳи ходимлари ўраб олишди. Холислар ишгирида коробка текшириб кўрилганда, тандир гўштининг тагида яширинган бир килограммга яқин героин моддаси топилди. Героинфурушлар шу заҳоти ишга олиндилар...

Айтмоқчи, уларга мижоз топиб берган Лёша ҳақида икки оғиз.

Бу воқеадан бир йилча аввал Деновга иш билан келган Лёша



ТАНДИР КАБОЎ

ОСТИДАТИ «ХАЗИНА»

киши йўловчи бўлиб, машинада Тошкентга кетиши, шароитга кўра иш қўриши керак эди. Орада раҳбарият билан боғланиб туришлари ҳам алоҳида таъкидланди. Кўп ўтмай машина пойтахт томон йўлга тушди...

Улар кўчада тасодифан учрашиб қолишди. Салом-алиқдан кейин суҳбат мавзуси тирикчиликка бориб тақалди.

— Топишнинг мазаси йўқ, — нолиган бўлди Орифжон. — Россияга бориб, озроқ ишладим. Аммо мазам қочиб қайтиб келдим. Энди нима қилишга ҳайронман.

Нодир унинг гапини тасдиқлаган бўлди:

— Э-э, беш киломи, ўн киломи, фарқи йўқ. «Клиент» бақувват бўлса хоҳлаганча топилади.

— Ҳозир бир танишим эсимга тушди. Исми Лёша. Ўзи Тошкентда яшайди. Бу ёққа ҳам тез-тез келиб туради. Ушанга айтиб кўраман. Гап-сўзларига қараганда илгари ҳам шунанга ишлар қилиб юрган.

Гапни бир жойга қўйган икковлон, кўп ўтмай пойтахтга йўл олишди. «Отчопар» бозорига келиб, Лёшага кўнғироқ қилишди. Лёша етиб келгач, ўтириб маслаҳат қилишди. Гап орасида Нодир героиндан қанча бўлса ҳам топиб бериши мумкинлигини, пулидан қочишмаса бўлганлигини кистириб ўтди. Бироз савдоллашиб кило-

— Кутсак, кутиб юрарамиз, ошна, — деди Нодир пакетни Орифжонга тутқазар экан. — Мана мол. Лёшага телефон қилинг.

Орифжон кўнғироқ қилди-да, Лёша хурсанд бўлганлигини, икки кунлардан кейин йўлга чиқишлари мумкинлигини айтди.
— Бўлмаса, пакет ҳозирча сизникида тураверсин. Мен икки кундан кейин келаман, — Нодир шундай деб чиқиб кетди. Орифжон бўлса героинни эски печканинг ичига тикиб қўйди.

Орадан икки кун ўтди. Туш-ландан эндигина ўтган ҳам эдики, Нодир кириб келди.

— Мол турибдими? Яхши. Унда битта коробка топинг. Кейин беш килоча тандир гўшти,

Улардан бири билан гаплашди. Коробкани Тошкентда «Нодир» исмли киши олишини тайинлаб, пулини тўлади. У Орифжонни кўнғироқ қилиб келгач, бироз ўтиришди. Кейин бошқа машинани кира қилиб, Тошкентга жўнашди. Улар ўтирган машина «Отчопар» бозорининг ёнидаги таксилар турадиган жойга эртасига эрта билан келиб тўхтади. Ҳайдовчи билан ҳисоблашиб, юк жўнатилган машинани қидира бошлашди. Унга кўзлари тушиши билан Нодир ҳайдовчининг олдида бориб, кеча берган коробкани сўради. Ҳайдовчи аввалига уни танимагандек бўлиб турди-да, паспортини кўргач, юкни олиб берди. Бунинг кўрган Орифжон шу заҳоти Лёша-

Орифжон билан танишиб қолганди. Гап мавзуси айлиниб, героин олди-сотисига тақалди. Шунда Орифжон, мабодо героин бўлса, харидор топишга ёрдам беришини сўрайди. Лёша ваъда беради-да, Тошкентга қайтгач, бу ҳақда тегишли органларга хабар беради. Улар Орифжон билан алоқани узмаслиқни, бирор янгилик бўлса тезда хабардор қилишини тайинлашди. Натихани эса юқоридики баён этдик.

Виджони амрига қулоқ тутган Лёша билан ҳайдовчи Азаматнинг сайё-ҳаракатлари тўғрисида яна бир фожианинг олди олинди.

Мирзо ХАМДАМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

...Келинликнинг оқлибоси Латофат (исмлар ўзгартирилган) га жуда ярашди. Кўзгуга рази солди. Аммо кўзгуга негадир галати синган. Йирикроқ парчасига диққат қилиб қаради. Куйлакнинг кўкрак чоки сўкилганига кўзи тушиб кўнгли алланечук бўлди: «Ахир янги, кийилмаган дейишганди», ўйлади у. Этаклари ҳам доғ-дуг... Кўчадан барабан товуши эшитилди. Яна кимларнингдир овозлари... «Демак бугун ростакамига тўйи экан-да! Куёв келганга ўхшайди. «Тавба, тўйида барабан чалинишини биринчи бор эшита-

оғриқ берди. Латофат эрига айтди. Нодир қўли билан у кўрсатган жойни пайпаслаб, қирра тошди (аммо бу тош синганди) узукни олди. Латофат бирдан нафаси қайтиб хирллаб қолди...

Туши даҳшатидан уйғониб кетган Латофатта ростдан ҳам ҳаво етишмас, аъзон баданини совуқ тер босганди. Эрининг ҳатто уйқусида ҳам тинч қўймаслиги унинг нафратини янада кучайтирди.

Мана, уйдан чиқиб онасиникига келганига бир йил бўлибди ҳамки, эрига ақд

итдек ташланади. На отаси, на онасининг панду насихати киради қулоғига. Охир-оқибат хотини Латофат ҳам болаларини олиб кетиб қолди. Неча марта орқасидан борди, аммо аёли кўнмади. Эраксининг кўнглида унга нисбатан шубҳа-ғумонлар илдиэ отаверди.

Саҳарлаб уйғонган Нодир бу гал Латофат билан узил-кесил масалани ҳал қилиб келишни кўнглига тугди. Кечагидан қолган «эримта» ни силқориб, қишлоққа — қайнонасиникига отланди.

олмади. Уйга келгач, бир амаллаб олиб қоламан, деб ўйлаган Нодирнинг вазиятни юмшатишга журъати етмасди.

— Уйингни елқаминг чуқури кўрсин! Латофатнинг сўнги айтган гапи шубҳли. У кўчага чиққанида Нодир ҳовлидаги сурида турган пичоқни олиб изидан югуриб етти-да, курагига санчди. Шу топда Латофатнинг кўз ўнгидан кўрган ўша туши яна намён бўлди...

Жувон касалхонада жон берди...
Бадфеъл Нодирнинг қўлларига қишан

Фожиа эшикдан мўралайди

ялман!» Даврага таъзим қилиб чиққан Латофат қаршисида келаётган куёвга қаради. Куёв — эри Нодир экан, қўлида бешик кўтариб турибди. Аёл атрофга аланглади, ҳамма ғайритаъбий табассум билан рақсга тушяапти.

Онаси эса «хо-хо»лаб кулишдан тўхтамайди. Ҳамма устидан кулаётгандек эди назари-да. Уялиб орқасига қайтмоқчи бўлудди, эри қўлидан тортиб тўхтади.

— Бешикка ёт, сени бейлаимиз.

— Вой, мен бугун турмушга чиқаяпман, Бешик тўйи нимаси?..

Эри индамади, аммо Латофат ўзи беихтиёр бешикка кирди. «Шундай жуссам билан кичик бешикка қандай сиғдим-а», ажабланди у.

Орқа курагига нимадир қаттиқ санчилиб

кирмади-кирмади. Ўн уч йиллик турмушлари пароканда бўлди. Икки гўдаги на онанинг, на отанинг меҳрига тўяолди. Латофат эрининг таққирлашлари, ҳақоратлашларидан тўйган. Нодир эса «сен ҳам, опа-сингилларинг ҳам бузуқсанлар», деб уни топташдан тўймади. Кўрган бу туши Латофатнинг ҳаловатини ўйирлади. Тушининг таъбирини эрининг яна ичиб келиб жанжал қилишига йўйди.

Ҳеч қаерда ишламайдиган Нодир ичкиликка ружу қўйди-ю, рўзгорини унутди. Уйда нима бор, нима йўқ, бола-чақаси... унга барибир. Уйдан қўлига илгинган нарсани чиқариб сотиб, пулига ароқ ичишини қанда қилмади. Хотини гапирса қопагон

Латофат уйда экан. Ҳар галгидек Нодирни қўриб қовоғидан қор ёғилди. Яна жанжал бошланди. Латофат бу сафар ҳам уйига кетмаслигини айтиб сўзиди қатъий туриб олди.

— Унда юр, укам ҳозир уйда, опаларининг суюқоёқлигини исботлаб беради, — деди Нодир ўзича аёлининг «нозик жойидан» тутмоқчи бўлиб.

Латофат ҳам бун келмади:

— Албатта исботлайсанлар. Рубарў қилсан укам билан...

Латофат онасини бирга олиб, «эски шаҳар»га Нодирларникига келди. Йўл-йўлакай «Сомоний» бозорига савдо қилаётган қайнонасини ҳам олишди.

Эр ҳам, хотин ҳам ғазабини жиловлай

солинди.

Хотин киши Одам Атонинг қийишқ қовурасидан яратилган. Агар сен қовурани тўғрилайман десанг синдирасан, мураса қил-у, у билан яша дейилади ҳадислардан бирди. Оила сардорни эрак ҳаминша ўз ўрнини, ўз мавқеини билиши керак. Эракки фақат ўзини ўйлаб яшани иштиёр этди-ми, бу оилдан файз-баракат ўз ўтиради. Фожиа эса ҳаминша эшикдан мўралаб турар экан...

Аслиддин УМУРОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи,
Меҳринисо САЙФИДДИН ҚИЗИ,
журналист

Гаровдагиларни озод қилиш йўлида



Колумбия президенти Альваро Урибе Франция президенти Николя Саркози томонидан жўнатилган инсонпарварлик гуруҳи мамлакат жануби-шарқда жойлашган исёнчилар олдида етиб боргунча ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб туришга ваъда берди.

«France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, халқаро «Қизил Хоч» ташкилоти шифокорлари олти йилдан бери Колумбия революцион куролли кучлари ҳаракати жангариларининг қўлида гаровда сақланаётган, ҳозирда оғир бетоб бўлиб қолган Ингрид Бетанкурга ёрдам беришмоқчи. Сўнгги кунларда Бетанкур гепатит «В» хасталигига чалинганлиги тўғрисида хабар тарқалгандан кейин, Франция ҳамда Колумбия юқори мартабали хонимини озод қилишга жиддий бел боғлашди. Икки президент ўртасида бўлиб ўтган телефон мулоқотидан сўнг, Урибе мазкур йўналишда қўлидан келган барча имкониятларни ишга солишни таъкидлаб ўтди. Аввалроқ, Николя Саркози КРҚК ҳаракати раҳбари Мануэл Маруландага мурожаат этиб, 46 ёшли Бетанкурни озод қилишни сўраганди. Уз наватида Колумбия ҳукумати Бетанкур ҳамда гаровдаги яна бир неча шахснинг қўйиб юборилиши эвазига мамлакат қамқоҳоналарида сақланаётган юзлаб исёнчиларни озод қилишга ваъда берган.

Наркобаронга 30 йил

2007 йилда ҳибсга олинган колумбиялик машҳур наркобарон Хуан Карлос Рамирес Бразилия суди томонидан 30 йил муддатга қамқоқ жазосига ҳукм қилинди. Бу ҳукм жазоси Бразилия қонунчилигида белгиланган энг узоқ муддатдир. Йирик наркострантели бошқарган Рамирес АҚШга юзлаб тонна кокаин моддасини етказганликда айбдор деб топилди. Бундан ташқари, колумбиялик наркобарон томонидан жиноий даромадларни легаллаштириш, жиноий уюшма тузиш, коррупция ҳамда ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятлари содир этилганлиги ҳам исботланди. Қамқоқ жазосидан ташқари Рамиресга 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорида жарима ҳам солинди.



лишига қарамай, у жазони ушбу давлат ҳудудида ўтамаслиги мумкин. Чунки бир ой аввал Бразилия суди наркобаронни АҚШга экстрадиция қилиниши мумкинлигини билдирган эди. У ерда Рамирес товланмачилик жиноятини содир этганликда айбланмоқда. Уни АҚШга экстрадиция қилиш учун шахсан Бразилия президенти Луис Инасиу да Силвейннинг қарори керак.

Таъкидлаш жоизки, юқорида айтиб ўтилган жиноятлардан ташқари АҚШда Рамирес ҳамда унинг ҳамтовоқлари кўплаб қотилликларни содир этганликда ва уюштирилганликда айбланганларидир. Ҳисобларга кўра, 1990 йилдан 2003 йилгача Рамиреснинг жиноий гуруҳи АҚШга 550 тонна кокаин моддасини олиб кирган, деб хабар қилади «AP» ахборот агентлиги.

Жоржия полицияси штатнинг Уэйкросс шаҳридаги бошланғич мактабнинг учинчи синф ўқувчилари томонидан тайёрланган фитнани фош этди. Гап шундаки, ўқитувчида норози бўлган, саккиз-тўққиз ёшлардаги тўққиз нафар болакай устозларини ўлдирishiга қасд қилишган. Қелишилган кучи улар мактабга синган ошхона пичоғи, скотч, кишан ва режани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа кўплаб нарсаларни олиб келишган.

Жиноятчи болакайлар

Лекин, фитначилардан бири ёшлиқ қилиб, бошқа бир синфдошига режалари ҳақида «огиздан гуллаб» кўяди. Полициянинг тезкор аралашуви билан жиноятнинг олди олинди, деб хабар қилади «AP» ахборот агентлиги.

Таъкидлаш жоизки, режалаштирилган суиқасдда фитначиларнинг роли аниқ тақсимланган. Кимдир чалғитиш ишларини ўз зиммасига олган, яна кимдир «иш» тугатилганидан сўнг воқеа жойини тозалаш керак бўлган ва ҳокзоа. Шаҳар прокурорининг айтишича, штат қонунчилигига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш учун болаларнинг ёши тўғри келмайди. Уэр округи вакилининг гапига қараганда, уларга нисбатан мактабдан ҳайдашга бўлган интизомий жазо чоралари қўланилган.

Мустақиллик йўлида


«Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, Непал пойтахти Катмандуда Хитой элчихонаси биносига кириб олмоқчи бўлган тибетлик 87 нафар шахс ҳибсга олинган. Улардан бирининг айтишича, элчихонанинг асосий биносига киришгандан сўнг, Тибет мустақиллигини талаб қилмоқчи бўлишган экан.

Таъкидлаш жоизки, охириги пайтда тибетликлардан иборат бир нечта гуруҳ Катмандудаги Хитой ва АҚШ элчихоналари бинолари олдида норозилик намойишларини ўтказишмоқда. Бу сафар эса намойишчилар дипломатик вакилликларни қўриқлайдиган патрул ва тўсиқларини ёриб ўтиб, элчихоналар ҳудудига киришга муяссар бўлишган. Бундай ҳаракатлар ўтган ҳафтада бир қатор дипломатик ваколатхоналар, жумладан, БМТ қароргоҳи олдида ҳам рўй берганлиги. Ушунда 40 та намойишчи ҳибсга олинган. Маълумки, Тибет мустақиллиги учун намойишлар жорий йилининг май ойидан бошлаб дунёнинг турли бурчақларида ўтказилмоқда.



Польша парламенти Сейм Европанинг ягона конституциясининг ўрнини боса олади, дея ҳисобланаётган Лиссабон шартномасини ратификация қилди. Ратификацияни Сеймнинг 384 та депутати кўллаб қувватлади. Ҳозирда ратификация тўғрисидаги кўнун лойиҳаси парламентнинг юқори палатаси бўлмиш Сенатда қўриб чиқилмоқда. Сенаторлар томонидан маъқуланганча, президент Лех Качинскийга имзолаш учун тақдим этилади.

«Euronews» ахборот агентлигининг хабар беришича, Польша консерваторлари ратификацияга айрим шартлар эвазига рози бўлишган. Бирок, улар ҳозирча ошқор этилмапти. Консерваторларнинг фикрига кўра, инсоннинг асосий ҳуқуқлари Европа Хартиясини ўз ичига олган Лиссабон шартномасининг айрим бандлари диний ва маънавий тушунарларга зиддир. Масалан, унда биржинлик никоҳлар, эвтаназия ва абортларга рухсат этилиши белгиланган.



Қадриятларга зид шартнома

март куни бош вазир Туск ҳамда президент Лех Качинский ўртасида бўлиб ўтган музокараларда муросага келинганча, шартноманинг имзоланишига имкон яратилди.

«Euronews» ахборот агентлигининг хабар беришича, Польша консерваторлари ратификацияга айрим шартлар эвазига рози бўлишган. Бирок, улар ҳозирча ошқор этилмапти. Консерваторларнинг фикрига кўра, инсоннинг асосий ҳуқуқлари Европа Хартиясини ўз ичига олган Лиссабон шартномасининг айрим бандлари диний ва маънавий тушунарларга зиддир. Масалан, унда биржинлик никоҳлар, эвтаназия ва абортларга рухсат этилиши белгиланган.

март куни бош вазир Туск ҳамда президент Лех Качинский ўртасида бўлиб ўтган музокараларда муросага келинганча, шартноманинг имзоланишига имкон яратилди.

«Euronews» ахборот агентлигининг хабар беришича, Польша консерваторлари ратификацияга айрим шартлар эвазига рози бўлишган. Бирок, улар ҳозирча ошқор этилмапти. Консерваторларнинг фикрига кўра, инсоннинг асосий ҳуқуқлари Европа Хартиясини ўз ичига олган Лиссабон шартномасининг айрим бандлари диний ва маънавий тушунарларга зиддир. Масалан, унда биржинлик никоҳлар, эвтаназия ва абортларга рухсат этилиши белгиланган.

март куни бош вазир Туск ҳамда президент Лех Качинский ўртасида бўлиб ўтган музокараларда муросага келинганча, шартноманинг имзоланишига имкон яратилди.

Темир-терсак ўрнига мина

Приштинадан 20 километр узоқликдаги далада темир-терсак йиғиб юрган тўрт киши минадан портлаб кетди. Натижда улардан бири ҳалок бўлган. Икки нафари эса жиддий жароҳатлар билан шифохонага келтирилган. Тахминларга кўра, мина этник албанлар ҳамда серблар ўртасида 1998-1999 йилларда бўлиб ўтган низолар вақтида қўйилган. Ҳарбийларнинг айтишича, қарама-қаршиликлар бўлиб ўтган вақтдан буюн саккиз йил ўтган бўлишига қарамай, портламай қолган мина ва снарядлар бутун Косово ҳудуди бўйлаб сочилиб ётибди.

Маълумки, серблар ҳамда Косово албанлари ўртасида кечган тўқнашувлар, уша вақтдаги президент Слободан Милошевич Косовода ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисидаги ультиматумга имзо чекишдан беш тортангидан сўнг НАТО ҳарбий ҳаво кучларининг Югославияни бомбардимон қилганликлари билан тугаганди. Икки ой давом этган бомбардимонлардан сўнг Югославия ҳукумати Косоводан ўз қўшилларини олиб чиқишга рози бўлган ва ушбу ҳудуд БМТ назоратига ўтган. 2008 йилнинг 17 февралда Косово ўзининг мустақиллигини эълон қилди. Шундан бери Косовонинг давлат сифатидаги мақомини 30 дан ортиқ давлат тан олди, деб хабар беради «AP» ахборот агентлиги.



Террорга зарба

Туркия полициясининг аксил-террор бўлиналари томонидан «Ал-Қоида» террористик гуруҳи билан алоқадорликда гумон қилинган 45 та шахс ҳибсга олинди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, гумонланувчилар Истамбулнинг 8 та ҳудудидан бир вақтда ўтказилган рейдлар пайтида ушланган. Ҳозир тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, 2008 йилнинг январидан Туркиянинг жануби-шарқий қисмида «Ал-Қоида»нинг 17 нафар жангариси ҳибсга олинганлиги. Полициянинг маълумотига кўра, улар портловчи моддалар билан жиҳозланган машиналар ёрдамида террористик хуружлар содир этмоқчи бўлишган. Отишма чоғида гумонланувчилардан тўрт киши ва бир нафар полиция ходими ҳалок бўлган.

Қонли низо давоми

Баскларнинг «ЕТА» айирмачилик гуруҳи, испан сиёсатчиси, Испания социалистик ишчи партияси аъзоси Исаяс Каррасконинг ўлими юзасидан жавобгарликни ўз зиммасига олди, деб хабар қилади «France Presse» ахборот агентлиги. «ЕТА» айирмачилари газета таҳририятига расмий маълумот йўллаб, шу ҳақда ҳамда тўртта портлашни уюштирилган учун жавобгарликни ўз зиммаларига қарши муросасиз кураш бошладилар.

лан тинчлик музокараларини бошлаганди. Бирок, Мадрид аэропортида содир этилган террорчилик хуружи ҳамда «ЕТА» раҳбариятининг музокараларни олиб боришни тўхтатиш тўғрисидаги қарори Испания ҳукуматини кескин чоралар кўришга мажбур этди. 2007 йилнинг қуздан бошлаб «ЕТА»нинг кўплаб аъзолари ҳибсга олинди, террорчи жангариларга қарши муросасиз кураш бошланди.

Исаяс Карраско 2008 йилнинг 7 мартда Испанияда парламент сайловлари ўтказилишига икки кун қолганда, ўз уйи олдида ўлдирилган. Мамлакат ички ишлар вазири Альфредо Перес Рубалькаба ўшандаёқ

9 мартда Испанияда бўлиб ўтган парламент сайловларида эса Сапатеро бошчилигидаги Испания социалистик партияси ғалаба қозонди. Басклар партиялари сайловларда иштирок эта олмади. Гап шундаки,

Испаниядаги фаолияти 2003 йилда ман этилган «ЕТА»нинг сиёсий қаноти бўлмиш «Батасуна» партияси билан алоқада бўлганликлари исботлангандан сўнг 2008 йилнинг февралда ушбу партияларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилган.

Испаниядаги фаолияти 2003 йилда ман этилган «ЕТА»нинг сиёсий қаноти бўлмиш «Батасуна» партияси билан алоқада бўлганликлари исботлангандан сўнг 2008 йилнинг февралда ушбу партияларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилган.

«Паспорт бозори» ёпилди

«Delfi» ахборот агентлигининг хабар беришича, Латвия ҳудудидан бедарак йўқолган тақиқчи миллионер Леонид Рожецкиннинг айни шу давлат паспортига эга бўлганлиги аниқланди. Латвия ички ишлар вазириги томонидан фуқаролик ва иммиграция бошқармаси текширилганда унда Латвия паспорти борлиги маълум бўлган. Латвия ИИВ вазири Марек Сеглиньшининг айтишича, паспорт унга тегишли маълумотлар базасига сохта ахборотлар киргизиш йўли билан берилган ва шу асосда у Латвияга кирган бўлиши мумкин. Вазирлик маълумотига қараганда, унинг сохта паспорти Европа Иттифоқининг маълумотлар базасида руйхатта олинган.

Жорий йилининг бошида Латвия полицияси фуқаролик ва иммиграция бошқармасининг 19 нафар ҳолимни ноқонуний равишда паспортлар билан савдо қилганликда айблаган, ҳибсга олганлиги. 2004 йилдан 2005 йилгача 100 дан ортиқ шундай паспортлар сотилган. Ҳозирга келиб барча қалбаки паспорт эгаларининг исм-шарифи аниқланган.

Рожецкин масаласига келсак, у 16 мартга ўтар кечаси Юрмаладаги уйдан бедарак йўқолган. 18 март куни полиция қидирувга беради. 17 март куни эса Рожецкин Латвияга учиб кетган шахсий самолёти Австрияга учиб кетган. Рожецкин Россия прокуратураси томонидан расман жиноятчи сифатида халқаро қидирувга берилган.

(Давоми. Бошлангани ўтган сонда).

Гўшанинг у томонидан аввал куруқ йўтал, сўнгра бўғиқ овоз эшитилди:

— И-е, танимай қолдингми? Ўтган ой «аказон, јоз минг бериб турмасангиз, уйим куяди», деб уйимга қатнаганинг эсингдан чиқдими? Ўшанда оёғини ўп десам, тайёр эдинг-ку! Энди «кимсан» деб дўқ қиласан. Ёки соққан кўпайиб қолдимми?

Қодир овоз эгасини энди таниди. Талмовсираб қолди. Аммо тезда ўзини қўлга олди:

— Тоир ака, узр танимабман. Бой бўлар экансиз...

У яна шунга ўхшаш гаплар қилди. Ўлганининг кунидан ҳазил қилиб, Тоирни жаҳлидан сал бўлса-да туширмоқчи бўлди. Яқинда бир иш қилишини айтиб, озорқ муҳлат сўради.

— Сан бола кимлигимни яхши биласан. Ман билан кўп ўйнашмагн. Ҳалиям тоғаннинг хурматини қилиб турибман. Бўлмасаку... Майли, ҳаракатингни тезроқ қил...

Қодир гўшакни жойига қўймай ўйлаб турганида кўча эшик тақиллаб қолди. Чиқса, тўн кийиб, қўлига ҳасса ушлаган, сочсоқли ўсиб кетган ўзи қатори йигит турибди. Ёнида уч-тўрт яшар бола ҳам бор.

— Аҳо, Худо йўлига хайр қилинг. Йигит бошингиз омон бўлсун. Топганингиз тўйларга бюросун! Баччаларингизнинг роҳатини кў... Тиланчининг гапи оғзида қолди.

— Менга қара! Қўриб турибсан, бошим худога шукур, омон. Ҳали тўй қилмадим, қилиш ниятим ҳам йўқ. Тўй қилмагандан кейин бача осмондан тушадими? Бор, то-

Тоғаси унинг гапларини кулимсираб эшитди. Кейин ўрнидан турди. «Бу ёққа юр» дегандай имо қилиб, йўлнинг нариги томонида турган машинаси томон йўл олди. Қодир ҳайрон бўлганча унга эргашди. Тоғажин машинада анчагача гаплашиб ўтиришди. Бирор соатлардан сўнг Қодир юзюда ҳам қувонч, ҳам озорқ ҳадиқ ифодаси билан машинадан тушиб, уйига кириб кетди.

Мўлжаллаган режаси амалга ошаётганидан хурсанд бўлган Воҳид машина рулини Суннатнинг ишонасига бурди. Уни тошга, айтган одами билан гаплашганини, у ҳам рози эканлигини айтиб, суюнчи олгандек бўлди.

— Менга қара Воҳид, ўша одами-ку кўндирибсан. Энди бубўғи нима бўлади?

— Э-э, қизиқмисан оғайни! От билан туя бўлармиди? Кўкида беш минг берсанг бўлди.

— Нима, беш минг?! Ўйлаб гапираясанми? Шу ишга беш минг бераманми?

— Ҳа, сен нима деб ўйловдинг? Бу иш товук-повук сўйиш эмас. Шун биласанми?

— Бемалол, укажон. Қани марҳамат, уйга кириб.

Ҳовлига кириб, сўрига ўтиришди.

— Қаёққам шошардим, укажон. Мелисага бориб, ўғлим ҳақида бирор янгилик бор-йўқлигини сўраб келмоқчийдим, холос.

Аёл шундай дер экан, кўзларида ёш милдан тугатанингдан кейин оласан», деди Воҳид кулимсираганча. Қувонмай бўладими? Ахир фақатгина воситачиликнинг ўзидан минг доллар ишлаб турибди-ку?

Қодир эртасигаёқ Қозоғистонга айланма йўллар билан ўтиб, суриштира-суриштира бир одамдан 1800 долларга бешта ўқи билан тўппонча сотиб олди. Уйга қайтган, тоғасидан ўша «бойвачча»нинг манзилини олиб, бир неча кун орқасидан пойлаб юрди. Қулай фурсатни кутди. Ниҳоят ўша кун ҳам келди. «Қурбон»и тўйдан чиққач, у билан изма-из уйигача келди. Зинадан чиқайтганда тўппонча ўқталиб, тепкинни босди...

Қодир кириб келганда Воҳид телевизор кўриб ўтирарди.

— Иш битди, тоға, — деди Қодир у билан сўрашар экан, — соққани қолганини чиқаринг.

— Сенга аванс бериб, қолганини ишни бажарганингдан кейин беришимни айтган эдим. Тўғрими? Сен бўлсанг чала қилдинг. Энди қолганидан умидингни уз. Ўша икки минг ҳам сенга етади.

— Бу нима деганингиз, тоға? От дедингиз, олдим. Ўймай қолшини туш кўрибманми! Ахир ўша пулга тўппонча олдим. Кейин майда-чуйда харажатларга...

— Бўлди қил. Майли, ўша эллик мингдан ҳам кечдим. Энди бошимни қотирма.

Воҳид шундай деб, гап тамом дегандек телевизорга ўгирилиб олди. Қодир нима қилишни билмай, бироз турди-да, кейин жаҳл билан чиқиб кетди.

ЗИРАТЧИ

шингни тер. Э-э, ўргилдим сендақа... — Қодир жаҳл билан эшикни кулфлади. Энди уйи томон юрган ҳам эди, бирор эшикни итаргандек бўлди. Сўнгра қаттиқ тақиллабди.

«Оббо, жонга тегдиларинг-ку! Ҳозир сенларга кўрсатаман». У шундай деб, важоҳат билан эшикни очди. Лекин ташқарида тиланчи эмас, балки тоғаси турарди.

— Ҳа, тинчликми? — деди тоғаси у билан қўл учиде кўришар экан. — Намунча ҳовлиқмасанг? Ит қувдими, нима бало?

Қодир жавоб бермади. Нимагадир аввал ҳовлига, кейин кўчанинг икки тарафига бир-бир қараб олди. Сўнг эшик ёнига чўккалаб ўтирди.

— Тинчлик, — деди тоғасининг юзига қарамасликка ҳаракат қиларкан киноямиз. Кейин ўша оҳангда қўшиб қўйди:

— Ўзиз нима қилиб юрибсиз азонлаб? Воҳид унга жавоб бермай, ёнини кавлади. Сигарет олаб, тутатди-да, у ҳам чўккалади.

— Ана меҳр, ана оқибат. Тоға жиянини қора тортиб келса-ю, жиян «уйга кириб» демаса-а!

Қодир энсаси қотганини яширмади. Бир четта «чирт» этиб тупуриб, кўрслик билан жавоб берди:

— Қарзни сўраб келгандирсиз-де! Олсансиз, дедим-ку ўша пулизни. Қўрқманг, қочиб кетмайман.

— Билан-билмаганимда кичкина пул эмас-де, сўраганинг. Кес, қўй, шу ишни қилмай кўяқолайлик. Негадир кўнглим чопмаяпти.

— И-е, менга қара, қанақа одамсан ўзи? Ҳамма иш пишганда топан баҳонангни қара! Ундан кейин, кичкина пул эмас деб сен гапираясанми? Ўтган ҳафта хотинимга уй олиб бераман деб айтганинг. Ўша уй қанча туришини биласанми? Агар икки хоналик олган тақдирингда ҳам йигирма мингдан ҳам бўлмайди. Ҳозир ўшанинг тўртдан бирини берсанг, бўлди. Ҳам «зирпач»дан қутулсан, ҳам қолган пулинг ёнингга қолди. Балки ўшанда айтганимдек хотининг билан ярашиб ҳам оларсан...

Санжар Манзуранинг уйини қийналмай топиб борди. Қўнироқни босган эди, шу заҳоти эшик очилиб, қирқ ёшлар чамасидаги, кўҳликкина аёл кўринди. Кўча кийимиде, қўлида сумка. «Вақтида келибман. Қаёққадир чиқиб кетаётган экан», кўнглидан ўтказди Санжар.

— Кечирасиз, безовта қилдим. Манзура Самадова сиз бўласизми? — саломдан сўнг гап бошлади Санжар. Тасдиқ ишорасини олганидан кейин ўзини таништирди:

— Туман прокуратураси терговчиси Санжар Толипов бўламан. Бирор ёққа кетаётгудингизми? Узр, озгина вақтингизни оламан.

тиллади. Бурнини тортиб, мақсадга ўтинг дегандек Санжарга қаради.

— Мен ҳам шу масалада келувдим. Айтинг-чи, опа, ўелингиз илгари ҳам шунақа... — Санжар йўқолиб қолганим, деб сўрамоқчи бўлди-ю, гапни буриб юборди, — кеч қолармиди?

— Йўқ-е, унақаси ҳечам бўлмаган. Ўзи эндигина ўн бир ёшда бўлса. Қаёққадан шу компьютер деган бало чиқди-а?! Фаррух ҳам ўшанга боғланди, қолди. Дарси майли-ку, оватқланиш ҳам эсимдан чиқиб кетади-я.

— Айтмоқчи, ўша куниям компьютерхонада бўлган экан. Уртқоқларидан суриштирдим. Айтишларича, бир одам чақириб кетган эмиш.

— Ҳа, шунақа бўлибди. Аммо, ҳайронман, бегоналарга эргашиб кетадиган одати йўқ эди. Бирорта таниш бўлгани аниқ. Шошманг, эсим курсин-а, кеча уйга кўнироқ бўлибди. Фарҳод уйда ёлғиз эди. Бегона бир одам аввал даласини, кейин мени сўрабди. Кейин уканг топилмадим, деб суриштирибди.

— Шунга ўхшаган бошқа кўнироқ бўлмадимми?

— Йўқ, ҳозирча шунинг ўзи.

Санжар Манзурандан бошқа янгилик эшитмагач, сартарош жувоннинг собиқ эриникига йўл олди. Аксига у икки кун олдин мол олиб келиш учун хорижга жўнаб кетган экан.

Эълон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШИ ПРОКУРАТУРАСИ МУАССИСЛИГИДА ЧОП ЭТИЛАЁТГАН «HUQUQ» ЮРИДИК ГАЗЕТАСИ ТАХРИРИЯТИ

Газетани янада сифатли, замон талабларига мос чоп этишни қўзлаб ҳамда кўп сонли муштариоларнинг талабини инобатга олган ҳолда нашрни тўрт хил (4x4) рангда чоп этишни режалаштирган.

Шу мақсадда пойтахтдаги босмахоналарни ҳамкорликка чорлаймиз.

Мурожаат учун тел: 233-98-40; факс: 233-10-53

Қодир уйга киргач, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бир томондан эрта-индин тўрт минг долларлик бўлиб қолишини ўйлаб, бошқа томондан яна қўлга тушиб қолса нима бўлишини ўйлаб, юраги орқага тортиб кетарди. Ўттизга чиқмасдан икки марта ўтиришга улгурди. Ҳали уйлангани ҳам йўқ. Пул керак бўлгандан кейин тўғри келган ишни қилиб кетаверди. Қўлида хунари бўлмас!

Шу кунни кечқурун тоғаси икки мингга ташлаб кетди. «Қолган икки мингга ишни

Кечки овқатдан кейин бўлган кўнироқ бир томондан Самадовларни қувонтирган бўлса, иккинчи томондан анча хавотирга солди. «Болангизни тирик кўришни истасангиз, йигирма минг доллар тайёрлаб қўйинглар. Органга хабар бермасликларингизни маслаҳат бераман. Акс ҳолда... — гап бошлади телефон қилган кимса, — пулни топшига ўн кун муҳлат. Тўққизинчи кун кечқурун телефон қилиб натижасини биламан.

Ота-она аввалига шошиб қолиб, кейин вақтини ўтказмай орган ходимларига хабар қилишга шошилишди. У ердагилар эса Самадовларни хотиржам бўлишга чақириб, яна кўнироқ бўлишини кутишларини тайинлашди.

Ниҳоят тўққизинчи кун яна телефон бўлди. Кўнироқ қилган кимса биринчи галда пулни топан-топмаганликлари билан қизиқди. «Ҳа» деган жавобни эшитган, эртаси кун кечки соат бешларда шаҳарни кесиб ўтувчи анҳор кўприги ёнига олиб келишни тайинлади.

Воҳид пул солинган сумка билан кўприк ёнига келганида айлабиди юрган уч-тўрт қариядан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У соатга қаради. Айтилган пайта ҳали ўн дақиқа бор. Назарида ҳар дақиқа бир неча соатдан-да узокроқ туюларди. Ҳа, кутишдан ёмони йўқ. Айнақса, бу кутиш фарзандинг билан боғлиқ бўлса!

Шу пайт машина сигнали эшитилди. Воҳид йўл четига келиб тўхтаган «Жигули»ни шундагина кўрди. Олд ўриндиқда юзини қўли билан тўсиб ўтирган кимса уни имлаб чақирди. Воҳид машинанинг ёнига келганда у қўлини сумка томон қўзди. Воҳид пулни берар экан, «Болан-чи?» деганини билди, машина шу заҳоти ўрнидан қўзғалди. Аммо осмондан тушгандек рўпарасига қўндаланг бўлган «Волга»га тўқнаш келди. Агар ҳайдовчи эпчиллик қилиб, тормозни босмаганида...

Ҳаммаси кўз очиб юмгунча юз берди. Ҳозиргина бум-бўш кўприкда зумда тешкор-тергов ходимлари пайдо бўлиб, машинадагиларнинг қўлларига кишан уришди. Воҳиднинг ундан сумкани олган кимсага кўзи тушиб-ю, жойида қотиб қолди. Рўпарасида унга еб қўйгудек ўқрайиб жияни Қодир турарди...

Иброҳим АКРАМОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори,
Рафурхон АЛИМОВ,
«Huquq» муҳбири

Huquq
yuridik gazeta

Та'сисчи:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV, Baxtiyov NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul ko'itib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma № — 255. 21 933 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalardan «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: M.DO'STOROVA
Musahih: A.MUHOYEVVA

Gazeta «Sharq» NMK boshqarmasida ofset usulida chop etiladi. Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 23 4 56 78